

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА ФАКУЛТЕТИ
“ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИХАВИЙ ТАШКИЛ
ЭТИШ” КАФЕДРАСИ**

**Ландшафт архитектураси фанидан маъруза
мантни**

Самарканд 2016 йил

Мазкур маърузалар матни “Ландшафт архитектураси” фани бўйича Қишлоқ маданият ва истироҳат боғларини лойиҳалашда шаҳар ва қишлоқ жойларида маданият ва истироҳат боғларини лойиҳалашда ландшафт ечимлари бўйича тавсия ва кўрсатмаларни қўллаш масалалари, талабаларга мослаб амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи: “Қишлоқ ҳудудларни архитектура-лойиҳавий ташкил этиш”
кафедраси ассистенти Адилов Д.С.

Тақризчилар:

“Меъморқурилишлойиха” МЧЖ бош архитектори
Усманаев Р.В.,

“Қишлоқ ҳудудларни архитектура-лойиҳавий
ташкил этиш” кафедраси доценти Хидиров М.М.

I-МАВЗУ. ЛАНДШАФТШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИШ.

1.1.МАВЗУ. ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ.

Режа:

1. Ландшафт архитектурасининг мақсади, вазифалари ва муаммолари.
2. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли.
3. Ландшафт ҳақида тушунча.

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда “Ландшафт архитектураси” мавзуси ва фани ҳанузга қадар алоҳида адабиёт ёки китоб тарзида фақат санокли муаллифлар (Адилова Л.А., Уралов А.С., Рахимов К.Ж., Садикова С.Н.) томонидан ёзилган. Бу соҳадаги ўқув адабиётлари собиқ иттифок даврида асосан Россияда рус тилида чоп этилиб, улар ландшафт архитектурасининг турли муаммоларига бағишланган ва алоҳида китоблар тарзида нашр этилган.

Умуман олганда бу соҳадаги шу чокқача чоп этилган адабиётлардаги асосий эътибор боғ–парк санъатига қаратилган. “Ландшафт архитектураси” мавзусининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ушбу муаммони нафақат боғ–паркчилик санъатини ўрганиш, балки ландшафт архитектурасидан замонавий эстетик ва экологик мақсадларда фойдаланиш ва бу соҳадаги маданиятимизни кенг ва узвий бойитиб бориш нуқтаи назаридан ҳам унга янгича ёндашиш зарурдир.

Ландшафт архитектурасининг сермазмун ва серфайз тажрибалари билан танишиш нафақат архитекторларга, балки меъморчиликнинг бошқа соҳаларида ишлаётган архитекторларга, хусусан қишлоқ архитекторларига ҳам бирдай аҳамиятлидир. Ушбу маърузалар матни ландшафт архитектураси ва боғ–парк санъатининг энг қадимги даврларидан то бизнинг кунларгача босиб ўтган тараққиёт жараёнида орттирган бой тажрибалари ҳақида тушунча бериш ва бу соҳадаги муҳим амалий ишлар ва лойиҳалаш жараёнлари билан талабаларни таништиришдир.

“Ландшафт архитектураси” атамаси илк бор бундан юз эллик йиллар муқаддам аввал Англияда 1850 йилларда сўнгра Америка қўшма штатларида 1872 йилда у ердаги йирик Халқаро кўргазма парклар ва миллий паркларни ташкил қилиш муаммолари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ўзбекистонда эса ландшафт архитектураси фани асосан мустақиллик йилларида шаклланди ва ривожланиб келмоқда. Ландшафт архитектурасининг тараққиёт йўлини яхлит тушуниш учун ушбу атаманинг моҳиятини аниқлаш, ландшафт архитекторларининг нималар билан шуғулланишлари ва бу соҳанинг кенг архитектура дунёсидаги ўрнини чуқурроқ англаш жуда муҳимдир.

Архитекторлар, маълумки, нафақат бино ва иншоотлар қуриш, шаҳарлар яратиш, балки очик фазовий муҳитлар архитектураси ва уларни ташкиллаштириш билан ҳам шуғулланадилар. Буларга кўчалар, майдонлар, гулзорлар, хиёбонлар, соҳиллар, микрорайонлар ичидаги боғлар, скверлар, бульварлар, махсус парклар, истироҳат боғ-саройлари, миллий боғлар,

хилбонлар, мўъжаз боғлар ва тарихий ландшафтлар киради. Сунъий тарзда яратиладиган бундай очик масканлар рўйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин. Ландшафт архитектурасининг асосий мақсади ана шундай очик масканлар муҳитини табиий ландшафт ва сунъий элементлар, шу жумладан мўъжаз меъморий шакллар, ташқи ободонлаштириш элементлари ва инфор­мацион ахборот қурилмалари воситасида композицион бадиий, меъморий-режавий ва ландшафт шакллантиришдир.

Архитектура, шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси ўзаро узвий алоқада бўлиб, бир–биридан муҳитни шакллантиришда қўлланиладиган материаллари ва воситалари билангина фарқ қилади. Ҳар учала соҳа ҳам кишилик жамиятининг ривожланиш тарихида умумий бир йўналиш ва мақсадлар учун хизмат қилган. Ландшафт архитектураси ҳам архитектура ва шаҳарсозлик каби барча тарихий ижтимоий босқичларда жамият эҳтиёжларини қондириб келган ва ўз даврининг бадиий маданий ва умуминсоний ютуқларини ўзида мужассамлаштирган.

Ландшафт архитектураси ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланган боғ–паркчилик санъатининг ўзига хос ёрқин хусусияти – бу уларни яратишда қўлланиладиган табиий “қурилиш материаллари”дир. Булар сафига энг аввало ўсимликлар дунёси, сув дунёси, ер, тошлар ва умуман жой рельефининг барча хусусиятлари киради. Айнан шу материаллар очик фазовий муҳитни шакллантиришда асосий манба ҳисобланади.

Ландшафт архитектураси – бу кишилик жамиятига хос бадиий ва умуммаданий мероснинг чексиз ва беҳад кенг соҳасидир.

Фаннинг мақсади – талабаларда архитектуравий ландшафт дунёқарашни шакллантириш, уларнинг ландшафт лойиҳалаш малакасини эгаллаши ва уни амалий лойиҳалаш ишларида қўллай олиши бўйича кўникмалар беришдир.

Фаннинг асосий вазифалари:

- талабаларга ландшафт архитектураси ва боғ–парк санъатининг бутун олам тажрибаси ва тараққиёт босқичларини ўргатиш;
- ландшафт архитектураси объектлари ва ландшафтни ташкил этиш асосларини шаҳарсозлик режалаштириш ва лойиҳалашнинг турли босқичлари бўйича ўргатиш;
- талабаларда ландшафт архитектураси объектларини функционал–режавий, ландшафт–эстетик ва экологик ёндашган ҳолда лойиҳалаш кўникмаларини тарбиялаш.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли. Ландшафт архитектураси жамиятнинг ҳаётий фаолиятини ўраб турган муҳитнинг экологик, санитар-гигиеник ва эстетик сифатларини яхшилашга бевосита таъсир этувчи фандир.

Ландшафт архитектурасининг объектлари ер усти – турли режавий сатҳларидаги, турли–туман функционал мақсадларга хизмат қилувчи очик ва ярим очик ҳудудлардир. Бу шаҳарлар, қишлоқлар, саноат ишлаб чиқариш, рекреация, табиат муҳофазасидаги ва бошқа халқ хўжалигига тегишли бўлган ер ҳудудлари. Ерни ландшафт ободонлаштириш асосидагина унинг ижтимоий, экологик, эстетик қулайлиги ва рентабеллигига эришиш мумкин. Ландшафт

архитектураси шаҳар ва рекреация хўжалиги ерларидан фойдаланиш имкониятларини оширади, чунки бу ҳудудларнинг жозибадорлиги ва манзаравийлигини кучайтириб, шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ва рекреацион имкониятлардан фойдаланувчи аҳолини ўзига жалб қилади. Рекреация – ҳордиқ, дам олиш, аҳоли соғлигининг мустаҳкамлашуви, микроклимнинг яхшиланиши ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ҳудудларни ландшафт ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, шунингдек маданий–маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш натижасида савдо–сотик ва бошқа хизматлардан кўриладиган фойда кўпайиб, шаҳар хўжалиги ва умуман, халқ хўжалиги учун бу ҳудудларнинг рентабеллиги янада кўтарилади.

Ландшафт архитектураси объектларини кўкаламлаштиришда манзаравий дарахт ва буталар, гуллар, чирмашувчи ва ерёпар ўсимликлар, майсалар муҳим ўрин тутadi. Шунинг учун ҳам бу санъатни ўрганувчилар дендрология фанини яхши билишлари зарур. Шу сабабдан мазкур дарсликда ландшафт архитектурасида қўлланиладиган ўсимликлар дунёсини, улардан тузиладиган турли хил яшил композицияларни талабаларга ўргатиш, уларни амалиётга қўллай билиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Ландшафт архитектураси очик муҳитдаги ландшафт қурилмалари билан шунчалик боғлиқки, ландшафт архитектурасининг тарихи буткул ландшафт қурилмалари билан бисёрдир. Ландшафт архитектураси бу умумий сўз бўлса, ландшафт қурилмалари уни тўлдирувчи, унинг барча объектларига сифат ва мазмун бағишловчи, ландшафт билан боғлиқ мўъжаз меъморий шакллар, ташқи муҳитни ободонлаштириш элементлари, буларнинг барчаси ландшафтни шакллантирувчи қурилмалардир. Ландшафт архитектураси назарияси ва амалиётини ўрганаётган ҳар бир мутахассис ёки ижодкор унинг таркибий қисми бўлмиш-ландшафт қурилмалари, уларнинг шакллари, тасниф тизими ва типлари, уларни амалга ошириш услубларини ўрганмай туриб, бу соҳада бирон-бир муваффақиятга эришиши қийиндир.

Назорат саволлари

1. Ландшафт архитектураси фанининг мақсади нимадан иборат?
2. Ландшафт архитектураси фанининг асосий вазифаларини санаб беринг?
3. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли қандай тавсифланади?

1.2.МАЗЗУ. ТАБИЙ ВА АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР.

Режа:

1. Табиий ва антропоген ландшафтлар.
2. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон, сув, техноген, саноат ва турар жой, урбанизациялашган ландшафтлар.

Табиий ва антропоген ландшафтлар. Географик тушунчада ландшафт бу табиий чегаралар билан ўралган бир жинсли гурухлик майдон бўлиб, бу чегараларда ландшафтнинг табиий элементлари ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқада бўлган ягоналикни ташкил этади. Бир жинсли ҳудудлар - тайга, тропик ўрмонлар, тундра ландшафтларида майда табиий бирликлар - географик ландшафтнинг таркибий қисмлари мавжуд. Замонавий ландшафт архитектурасида табиий ва антропоген ландшафт тушунчаси ажратилади (1-жадвал).

1-жадвал

Табиий ландшафтларнинг асосий турлари ва кўринишлари

Бир жинсли ландшафтлар	Бир жинсли ландшафтлар турлари ва хиллари	Ландшафтларнинг аралаш турлари
Тоғ	Баланд тоғ Ўртача тоғ Адир	Тоғ-сувли Тоғ-ўрмонли Тоғ-даштли
Ўрмон	Тропик ўрмонлар Тайга ўрмонлари Жунгли ва бошқалар	Ўрмон-дашт Ўрмон-тундра Ўрмон-тоғ
Сузли	Океан Денгиз Кўл Дарё	Тоғ-океан Тоғ-денгиз Ўрмон-кўли Ўрмон-дарё
Чўл	Қумли Чакалакзорлар ва бошқалар	Тоғ қазилмалари ерлари
Дашт	Тундра Чўл ва бошқалар	Ўрмон-дашт

Аммо ер юзида инсон тегмаган табиий ландшафтлар жуда кам. Хўжалик фаолияти жараёнида айрим табиий компонентларни биринчи навбатда ўсимликларни, тупроқни, сувни, ҳайвонот дунёсини ўзгартиради. Бундай ўзгартиришлар ландшафтда қарор топган алоқалар ва табиий компонентлар ўзаро таъсирларни бузади.

Ҳудудларни ўзлаштириш зарурлиги ва инсоннинг табиат ичига сингиб бориши ландшафтнинг ўзгаришига сабаб бўлади, йўллар тармоқлари ва электр узатиш линиялари, заводлар, посёлкалар вужудга келади. Яъни, инсоннинг

аралашуви билан ландшафт антропоген - инсон ўзгартирган ландшафтга айланади.

Антропоген ландшафтлар инсоннинг хўжалик фаолияти мавжуд бўлган даврлардан бери бор. Дастлаб улар ер ландшафтларини шаклланишининг аралашуви билан ўзгариб кетди.

Бу ҳодисалар жадаллашмоқда ва ўзгариш жараёни ҳамда биоген ландшафтлардаги ўзгаришлар объектив муқаррардир. 2-жадвалда антропоген ландшафтнинг таснифи берилган бўлиб, у инсон фаолиятининг ҳар хил турлари таъсирида табиий муҳитнинг ўзгаришини кўрсатади.

2-жадвал

Антропоген ландшафтлар таснифи

Синфлар	Турлар	Ерлардан фойдаланиш турлари
Қишлоқ хўжалиги ландшафтлари	Дала Ўтлоқ-яйлов Боғ Аралаш	Ҳайдалган ер, Дала пичан ўриш ва яйлов Боғлар ва узумзорлар Кўп ярусли тропик мамлакатлар
Ўрмон ландшафтлари	Шартли-табиий Иккиламчи(ҳосилавий) Маданий ўрмон	Сунъий экинлар Ўрмонлар ерлари
Сув ландшафтлари	Сунъий денгизлар Сув омборлари	Сунъий яратилган сув ҳавзалари
Техноген ландшафтлар	Техник бузилган ландшафтлар	Автомобил йўллари, Гидростанциялар, қазилмалар, Олинган ерлар
Аҳоли яшайдиган ландшафтлар	Урбанизациялашган	Шаҳарлар ва қишлоқлар, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари экилган ерлар ва бошқалар
Рекреацион ландшафтлар	Рекреацион	Курортлар, туристик марказлар ва базалар, пляжлар ва бошқалар.

Шунингдек, ернинг биоген ландшафтларнинг миқдорий қисқариши инсониятнинг бундан кейинги яшашини таъминлашдаги уларнинг ролини жиддий даражада қисқаришга олиб келади. Бироқ табиий муҳитларни сақлаб қолишда ва антропоген таъсирларни бошидан кечирувчи ландшафтларни ўзгаришида сақланиб қолган табиат “намуналари”ни ўрганиб қолибгина қолмай, балки ўзгартирувчи ландшафтларда экологик мувозанат қонунларини ўзлаштириб олиш керак. Бу яшаш қобилятига эга ва барқарор ландшафтларни – инсоннинг келажақда яшаш учун захира имкониятини шакллантиришнинг ягона йўли бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда қишлоқларимиз архитектураси нафақат уларда янги такомиллаштирилган меъморий лойиҳаларни қўллашда, балки, қишлоқда қуриладиган биноларнинг меъморий туркумлашувига, яъни қишлоқ қурилишининг ансамбллаштириши ва комплекслаштиришига ҳам боғлиқдир. Чунки, айнан ана шундай комплекс ва ансамбл, тугал ландшафт кўринишидаги қурилишларгина қишлоқларимиз файзига файз қўшади.

Ҳозирги вақтда Республикаимизнинг истиқболли қишлоқ аҳоли пунктларидаги таркибий ҳудудий тузилмалари ва уларнинг жойлашишини ўрганиш Ўзбекистон қишлоқларининг қуйидаги ҳудудий қисмлардан ташкил топганлигини кўрсатди:

- маъмурий туман (туман маркази ҳудуди);
- қишлоқ фуқаролар йиғини маркази ҳудуди (қишлоқ кенгаши);
- қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудуди;
- қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари (қишлоқлар, овуллар, посёлкалар).

Қишлоқдаги посёлкалар ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг режалаштирилиши ҳудудий функционал зоналарнинг мухтасар ҳолда жойлаштирилиши ва ўзаро боғлиқ бўлишини, ҳудуднинг жамоатчилик марказлари ҳудуднинг шаҳарсозлик жиҳатидан мавқеига қараб ундан самарали фойдаланишни, халқимиз тарихий архитектура-шаҳарсозлик анъаналарининг, табиий иқлим, ландшафт, миллий-маиший ва бошқа маҳаллий ўзига хос хусусиятларнинг комплекс тарзда ҳисобга олинишини таъминлаш лозим бўлади.

Қишлоқлар ва тураржойлар ҳудуди учун табиий сув манбаларига, хушманзара дарахтзорларга яқин, ландшафти кўркем, баҳаво, ёғин сувлар йиғилиб қолмайдиган баландроқ, қулай жойлар танланиши лозим. Қаттиқ бўрон ва шамолли туманларда уларни тўсиш учун тураржойлар атрофига баланд ўсадиган экинлар экиш ёки бу мақсадда ўрмон ва дов-дарахтлар кўп бўлган жойни танлаш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ ландшафт архитектурасининг муҳити, меъморий-манзаравий сифатини бойитишда жойнинг табиий-иқлим шароитларидан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда лойиҳаланган муҳит композициясига жойдаги бор яшил дарахтларни, очиқ сув ҳавзаларини, жой рельефининг чиройли қияликларини киритиш, айниқса муҳимдир. Уйлар, поездлар (транспорт ўтиш йўллари), кўчалар ва хонадонларнинг тарҳий ечимиде ана шу табиий шароитлар эътиборга олиб лойиҳаланганда қишлоқлар манзараси ва ландшафти янада гўзаллашади.

Ана шу нуқтаи назардан, айниқса, Республикаимиз шароитида табиий иқлим талабларига мувофиқ пиёда йўллар ва умумий фойдаланувчи кўкаламзорлар дам олиш зоналарининг соя-салқин бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунини қулай ландшафт ва иқлим шароитли туманларда кўкаламзорлаштириш ва ҳар хил ландшафт қурилмалари ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлса, чўл ҳамда лалмикор яйловли туманларда турли-туман мўъжаз меъморий шакллар ва қурилмалар (соябонлар, ишкомлар, галереялар,

кўча кўлами устидан ишланган воишлар, яхлит ҳажмлар ва бошқалар) ёрдамида бажариш мумкин.

Қишлоқ тураржой қурилишига хос бўлган қиёфалардан бири кўча перспективасининг узлуксизлиги, шаклларнинг изчиллиги, силуетнинг оддийлигидир. Кўча қурилишининг характерли ўхшашлигида унга хос бўлган бундай қиёфани бойитиш мақсадида халқ меъморчилиги тураржой бинолари қурилишида қўлланилган ҳар хил урғу (аксент)лар киритиш ҳисобига амалга оширилишини таклиф қиламиз.

Вилоят архитектура ва қурилиш бўлимлари, туман архитекторларида жойларда аҳолини қишлоқ уйлариининг намунавий меъморий безаклари, кўчаларни ва оммавий дам олиш масканлари - боғ-парклар ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш, уларда қўлланиладиган ўсимликлар ва ландшафт композициялари, ҳовли ландшафт дизайни ечимлари билан таништирувчи график-албомлар бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш, лойиҳалаш ва юқори тажрибасида уларга амал қилиш, қишлоқ архитектураси ва умуман, қишлоқларимиз қиёфасини, ландшафт архитектураси ва дизайнини замонамиз талабларига мос равишда ўзгартиришга, қишлоқларимизни қайта қуриш суръатини тезлаштиришга ёрдам беради.

Назорат саволлари.

1. Табiiй ва антропоген ландшафтларнинг фарқи нимада?
2. Қишлоқ хўжалигида ландшафтлар қандай қўлланилиши керак?
3. Қандай ландшафтлар урбанизациялашган ландшафтлар дейилади?

II-МАВЗУ. ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ГЕНЕЗИСИ.

2.1.МАВЗУ. БОҒДОРЧИЛИК, БОҒ–ПАРК САНЪАТИ ВА ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ТАРИХИЙ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Режа:

1. Ландшафт архитектурасининг дастлабки илдизлари (генезиси) ва шакллари. Илк боғдорчилик ва боғ–парк маданиятининг юзага келиш сабаблари.
2. Боғдорчилик ва боғ–парк санъатининг тарихий шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари.
3. Боғ–парк санъати ва ландшафт архитектурасининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларига хос композициявий усуллари.

Ландшафт архитектурасининг дастлабки илдизлари (генезиси) ва шакллари. Илк боғдорчилик ва боғ–парк маданиятининг юзага келиш сабаблари. Ландшафт архитектураси–бу кишилик жамиятига хос бадий ва умуммаданий мероснинг чексиз ва беҳад кенг соҳасидир.

Ландшафт архитектурасини биз анъанавий меъморий амалиёт билан таққосласак, ҳал қилувчи нарсани унинг табиатни жонлантиришда, эстетик, экологик ва меъморий муҳитни соғломлаштирувчи ролида ва таъбир жоиз бўлса, инсонпарварликнинг ибтидосида кўрамиз. Муҳитни шакллантирувчи одатий функционал ва айниқса, техник томонлар қанчалик муҳим бўлсада, ландшафт архитектурасида улар ёрдамчи ўринни эгаллайди. Биринчи ўринга ўсимликлар дунёси, сув дунёси, жойнинг табиий рельефи чиқади. Айнан ушбу ҳолат ландшафт архитектурасини алоҳида санъат тури мазмунида кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Ландшафт архитектори гўё тирик табиат билан ишлаётгандек бўлади. асосан шу табиат элементларидан фойдаланиб инсон эҳтиёжи учун муҳит яратади. Бунда у табиий элементлар ва атроф муҳитга иложи борица кам таъсир кўрсатишга ва ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Бошқа томондан эса у бутунлай янги «сунъий табиат» яратиб, уни инсон мақсадлари ва бадий эҳтиёжларига мослаштиради, Ушбу йўналиш ландшафт архигектураси тарихий тараққиётининг бутун давомида турли кўриниш ва боғланишларда намоён бўлиб келди ва келмоқда.

Ландшафт архитектурасининг генезиси деганда унинг ер юзида дастлаб пайдо бўлиш шакллари, тарахий илдизлари, сабаблари, юзага келишидаги объектив ва субъектив омиллар тушунилади.

Ландшафт архитектурасининг дастлабки илдизлари қадимги боғдорчиликка бориб тақалади. Ер юзида илк шаҳарларнинг юзага келиши билан боғдорчиликнинг мевали ва манзарали турлари шаклланади. Улар кишилик жамиятининг утилитар эстетик, хўжалик ва рекреацион эҳтиёжларини кондиришга мўлжалланган. Бундай боғлар дастлаб жамиятнинг амалдорлари, ҳукмдорлари, рухонийлар синфига мансуб бўлган. Улар ер юзининг илк

цивилизациялари ривожланган минтақаларда, инсонларнинг табиатга бўлган эҳтиёжларининг ошиши, сув ва суғориш иншоотлари тизимининг шаклланиши жараёнида юзага келган. Боғдорчиликнинг ривожланиши билан жамиятнинг рекреацион эҳтиёжлари асосида боғ–паркчилик санъати ҳам юзага келган. Боғ–паркчиликнинг илк ватанлари Қадимги Миср, Бобилистон, Эрон, Қадимги Юнонистон, Рим, Ҳиндистон ва Хитой, яъни иклими жихатдан иссиқ, географияси серсув дарёларга бой, тропик ва суптропик минтақалар ҳисобланган.

Боғ-парк маданиятининг турли мамлакатлардаги ривож турли даврларда турлича кечган бўлсада, уларнинг шаклланиши ҳамма вақт жойлардаги муайян табиий иқлим шароитларига, ижтимоий–иқтисодий, маданий, диний эътиқодларга, инсонларнинг атроф муҳит ва табиатга бўлган муносабатига боғлиқ бўлган.

Декоратив боғдорчилик ва боғ–парк санъатининг вужудга келиши ва ривожланишидаги асосий сабаблар (тарихий илдизлар). Ландшафт архитектурасининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг бир қатор ижтимоий сабаблари, бошқача сўз билан айтганда, тарихий илдизлари борки, улар фикримизча қуйидагилардан иборат:

1. Инсониятнинг табиат гўзаллиги ва ландшафтга бўлган ижобий муносабати туфайли ўзининг яшаши, фаолият кўрсатиши ва дам олиш муҳитига табиат элементларини киритишга, уларни ўзига яқинлаштиришга, улардан ҳузур–ҳаловат олишга интилиш эҳтиёжи;

2. Ноқулай табиий иқлим шароитларининг инсониятга салбий таъсирини пасайтириш, соя-салқин яратиш ва, айти пайтда, гўзал манзаравий ландшафт муҳитини яратиш имкониятларини излаш эҳтиёжи;

3. Жамиятнинг ривожланиш жараёнида деҳқон ва боғбонлар, олим ва муҳандисларнинг турли-туман суғориш иншоотлари ва қурилмаларини яратиш, сувни бир жойга тўплаш, сақлаш, узатиш ва баландликка кўтариш техникаси илми ва амалиётига эга бўлиш тажрибаларининг ошиб бориши;

4. Ҳукумдорлар ва мансабдорларнинг фирдавсмонанд боғ–саройлар, ёзги боғлар, ов қилиш боғлари ва истироҳат боғларини яратишга бўлган эҳтиёжи ва интилиши;

5. Инсон ўзи яратган шаҳарлар очик муҳитида табиат элементларининг (сув, ўсимлик, тоғу–тошлар ва ҳайвонот дунёси шакллари ва манзараларининг) бўлишлигини хуш кўриши.

Буларнинг барчаси охир–оқибатда ландшафт архитектураси соҳасининг инсон фаолиятининг муайян тури тарзида вужудга келишга сабаб бўлган.

Боғдорчилик ва боғ–парк санъатининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари

**Боғчилик
санъатининг илк
шаклланиш
даври**

Бу давр боғлари ҳақида турли хил ёзма манбалар, ва адабиётлар ва халқ оғзаки ижодидаги айрим маълумотлар сақланиб бизгача етиб келган.

Боғчилик санъатининг илк шаклланиш даври, асосан, Осиё ҳудудидаги иссиқ иқлимли мамлакатлар (Миср, Бобил, Эрон, Ҳиндистонлар)га тўғри келиб, бу давр боғчилик санъати инсоният

(эрамизгача 2000 йиллардан то эрамиз бошларигача)	цивилизациясининг вужудга келиши ва суғориш иншоотларининг яратилиши билан боғлиқ. Бу давр боғлари зодагонлар ва ҳукмдорларга тегишли бўлиб, улар асосан уйлар ва саройлар, ибодатхоналар қошидаги манфаатли боғларни ташкил қилган. Бу боғлар муайян режа ва тартиб асосида шакллантирилиб, меъморий ечими мунтазам симметрик композицияларга асосланган. Бу давр боғларининг майдони нисбатан кичик бўлган. Бироқ, Эрон шоҳлари эрамизгача бўлган даврлардаёқ манзарали тоғ воҳаларида улкан ов боғлари–“парадиз”ларни ташкил этган.
Боғ–парк санъатининг қадимги ва ўрта асрлар даври (эрамиз бошидан то XIV асргача)	Ушбу даврга доир боғлар ҳақида жуда кам маълумотлар мавжуд. Уларнинг айримлари археологик топилмаларда, буюм ва гравюраларда, деворий сурат ва нақшларда, баральефларда учрайди. Бу давр боғлари Осиё ҳудудидан чиқиб қадимги Юнонистон ва Рим минтақаларини қамраб олган. Бу даврдаги боғлар олдинги давр боғларидан фарқ қилмасда, сони ва типологиясига кўра ажралиб турган. Тураржойларнинг ички ҳовли боғлари, саройлар, ибодатхоналар қошидаги боғлардан ташқари шаҳарлардан ташқаридаги виллалар, гимназиялар, лицейлар, академиялар, шаҳар пиёда кўчалари боғларини ташкил қилган. Уларнинг ўлчамлари ҳам анча каттарган. Бу даврда илк бор топиар санъати ва лабиринт шакллантирилган.
Боғ–парк санъатининг ривожланиш даври (XV–XVII асрлар)	Бу даврда қурилган боғларнинг кўпчилиги дастлабкидек кўриниш ва салобатга эга бўлмасда, бизгача етиб келган. Бу даврда ер юзининг турли минтақаларида бир–биридан фарқ қилувчи миллий боғлар шакллантирила бошланган. Темурийлар давридаги чорбоғлар, Европада инглизча, французча, итальянча, русча, Узоқ Шарқда японча, хитойча, Ўрта ва Яқин шарқда кенг тарқалган исломий боғлар айнан ана шу даврда ривожлантирилган. Боғлар пейзажли, яъни эркин табиат манзаралари кўринишини олган боғларга ва архитектуравий, яъни мунтазам тартибли, геометрик режали боғларга ажратилган. Французча боғлар одатда, текис жойларга, итальянча боғлар эса поғонасимон мунтазам режали боғларга бўлинган. Исломий боғлар чорбоғ услубида, мунтазам режали текис ва поғонасимон турларга бўлинган. Уларнинг чорбоғ–ҳиёбон турлари ҳам мавжуд бўлган.

Боғ–парк санъати ва ландшафт архитектурасининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос усуллар. Азал–азалдан инсон билан табиат орасидаги муносабатларда, хусусан аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ва боғ-парк санъатида ўзига хос услублар, ландшафт композициялари, анъаналар ва қурилмалар шакллантирилиб ва қўлланилиб келинган. Бу услуб ва анъаналарнинг асосийлари, ишончлилари ва амалда синалганлари боғ–парк санъатининг қоида ва қонунларига айланиб, бу соҳадаги ландшафт архитектураси фани ва амалиётининг таркибий асосларини ташкил қилган.

Демак, замонавий ландшафт архитектураси узоқ тарихдан шаклланиб ва ривожланиб келаётган боғ–парк санъатини, унинг турли анъана ва услубларини, ландшафт қурилмалари ва дизайн элементларини ўз ичига олади. Турли минтақа ва халқларда турлича бўлган маданий–маърифий, иқлимий, ижтимоий–иқтисодий шарт-шароитларда бу услублар ўша минтақаларга

мослашиб, такомиллашиб, ўзгариб, янгиланиб келмоқда. Масалан, нафақат одатий горизонтал кўкаламзорлаштириш, балки тик (вертикал) кўкаламзорлаштириш услуби, дарахт ва буталарни нафақат табиий шаклларда ўстириш, балки қиртичлаб ва кузаб уларга турли-туман сунъий яшил шакллар бериш услуби ва ҳоказо.

Бироқ, дарахт ва буталарни, гулзорларни ландшафт шакллантириш ва экишда узоқ тарихдан бизгача етиб келган ва замонавий боғ–парк санъачи ва ландшафт архитектурасида кенг қўлланилиб келаётган **иккита асосий режавий услуб** мавжуд: биринчиси–тартибли мунтазам (регуляр) услуб. Бу услубни адабиётларда классик, яъни мумтоз услуб, геометрик ёки француз услуби деб ҳам ёзишади. Иккинчиси–бу эркин, яъни табиат кўринишидаги услуб бўлиб, уни адабиётларда ландшафт ёки инглиз услуби деб ҳам аташади.

Ландшафт архитектурасидаги мунтазам режавий услуб деганда боғ–парклар, хиёбонлар, йўлаклар, худудларни кўкаламзорлаштиришда бир–бирига параллел ва кўндаланг тўғри чизиқлар, ариқлар бўйлаб ўзаро симметрик тарзда, тартибли режа асосида жойлаштирилган дарахт ва буталар, гулзорлар, майдонлар, йўллар ва ландшафт қурилмаларининг яхлит композицияси тушунилади. Бу услубда қўлланилаётган дарахт ва буталарга қиртишлаб сунъий яшил шакллар ҳам берилиши мумкин. Сув хавзалари, фавворалар ва бошқа мўъжаз меъморий боғ–парк қурилмалари ҳам тартибли режа ва шаклларда ишланади.



1.1–расм. Тартибли мунтазам режавий услубда бунёд этилган боғ

Бундай услубдаги ландшафт шакллантириш қадимги Миср, Бобил, Юнонистон, Рим, Эрон ва Турон мамлакатларида, ўрта асрларда эса Мовароуннахр, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, араб мамлакатлари, Испания ва Францияда кенг ривож топган.

Самарқанд ва Ҳиротда Амир Темур ва темурийлар даврида, Қобул ва Шимолий Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар даврида кенг қўлланилиб такомиллаштирилган "Чорбоғ" услуби ҳам айнан ана шу мунтазам режали геометрик тартибдаги услублардир. Унинг географик шаклланиши иссиқ ва қуруқ иқлимли, сув ва намлик камчил минтақаларга хосдир. Бу услуб Ислом

мамлакатлари боғ–парк санъатида ҳозирда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқдаки, унинг асосида қадимги "Чорбоғ" услуби ётади.

Бундай услубдаги ландшафт шакллантиришнинг икки тури мавжуд: биринчиси–мунтазам режали ҳудудининг текис боғ–парклар, хиёбонлар, скверлар бўлса, иккинчи-мунтазам режавий ҳудуди поғонасимон боғ-парклар ва хиёбонлардир.

Эркин табиат кўринишидаги ландшафт шакллантириш ва кўкаламзорлаштириш услуби эса тартибли мунтазам услубнинг тескараси, яъни унда дарахт ва буталар, гулзорлар, майдонлар, йўлаклар ва бошқа ландшафт элементлари ёввойи табиатда қандай шаклланган ва жойлашган бўлса ўшандай режалаштирилиши кўзда тутилади. Бу услубда ҳамма нарса табиий, ўсимликларнинг шакллари ва жойлашиши, тоғу–тошлар ҳам, сув ҳавзалари, меъморий шакллар ҳам эркин, фақат улар инсон заковати ва қўли билан яратилган холос. Бу услубда очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ яшил майдонлар, эркин режали майсазор ва гулзорлар, тим соя ўрмонзорлар, сув ҳавзалари, ирмоқлар, қовариқ кўприклар, тошлоқ боғларни қўллаш одатийдир.

Бу услубда кўплаб Англия боғлари, Хитой ва Япония, Узок Шарқ, Америка ва Европа мамлакатларининг ўрта аср ва замонавий боғ-парклари, кўриқхоналар ва скверлари шакллантирилган.

Бу услубда унча катта бўлмаган ҳудудларда ҳам эркин табиатнинг турли кўринишлари ва пейзажларини яратиш мумкин. Айланма йўл, қирлар орқасидан янгича яшил табиат кўринишлари, перспективаси, майдонлар ва акцентлар: алоҳида экилган хушқомат гўзал дарахт, дарахтлар ва буталар гуруҳидан тузилган ландшафт композициялари, ҳовузлар, фаввора ва ҳайкалларни кўриш мумкин. Дарахт ва буталарни кузаб уларга сунъий яшил шакллар бериш бу услубга хос эмас, аксинча улар эркин ва табиий экилиши ва ўсиши зарур.



1.2–расм. Эркин табиат кўринишидаги режавий услубда бунёд этилган боғ.

Замонавий ландшафт архитектурасида юкорида таъриф берилган икки хил режавий услубларнинг аралашмасини ҳам учратиш мумкин: оммавий ташрифлар ва тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда мунтазам услуб, тинч дам олиш ва сайр қилиш ҳудудларида эркин режали ландшафт услуби қўлланилади. Ўзбекистон вилоятларида аксари боғ–парклар ана шундай аралаш услубда шакллантирилган.

Мисол учун Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани, Жума шаҳарчасидаги "Ёшлар боғи"ни олиб қарайлик. Боғга кириш, дарвоза атрофлари, боғнинг бош хиёбони ва аттракционлар жойлашган ҳудудларнинг ландшафти мунтазам услубда шакллантирилган бўлса, боғдаги тинч дам олиш ва сайр қилиш зонаси ландшафт услубида ишланган. Иштихон тумани марказидаги истироҳат боғининг ландшафти ҳам деярли аралаш услубда шакллантирилган.

Боғ–парк санъати ва қурилишида тарихий шаклланган миллий услублар ҳам борки, уларга итальян, француз, инглиз, хитой, япон, мавритан ва эрон боғ–парк стилларини киритиш мумкин.

Боғ–парк қурилиш тажрибалари архитектура тараққиёти билан чамбарчас ва ёнма–ён кечган. Шу сабаб архитектурага хос айрим муқом ва йирик бадий ижодий йўналишлар ва стиллар боғ–парк санъати амалиётига ҳам кириб келган. Буларга мисол тариқасида Европа боғ–парк санъатига хос бўлган ренессанс, барокко классицизм ва романтизм стилларини кўрсатиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Боғдорчилик санъатининг илк шаклланиш даврига таъриф беринг. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.

2. Ландшафт архитектурасининг вужудга келиш сабабларини тушунтиринг. У қачон, қаерда, қандай вазият ва эҳтиёжлар оқибатида вужудга келган?

3. Декоратив боғдорчилик ва боғ–паркчиликнинг вужудга келиш ва ривожланишидаги тарихий шарт–шароитларини тушунтиринг.

4. Ландшафт архитектурасининг шаклланиши ва ривожланишидаги объектив ва субъектив омилларга нималар киради?

5. Декоратив боғдорчилик ва боғ–парк санъати ривожининг асосий босқичларини тушунтиринг.

6. Боғ–парк санъати ривожидagi асосий усуллар, услублар ва ижодий йўналишларга изоҳ беринг.

III-МАВЗУ. БОҒ-ПАРК САНЪАТИ ВА ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ТАРИХИ

3.1.МАВЗУ. АНТИК ВА ҚАДИМГИ ДАВРНИНГ БОҒДОРЧИЛИК ВА БОҒ–ПАРК САНЪАТИ

Режа:

1. Қадимги Мисрда боғдорчилик ва боғ-парк санъати.
2. Қадимги Юнонистонда боғдорчилик ва боғ-парк санъати.
3. Қадимги Римда боғдорчилик ва боғ-парк санъати.

Қадимги Миср боғлари

Энг қадимги боғ–паркларнинг фанга маълум бўлганлари ер юзининг дастлабки цивилизацияларидан бири ҳисобланган Миср худудида вужудга келган. Суғорилиш иншоотлари ва қурилмаларининг ривожланган тизимига асосланган юксак савиядаги Миср деҳқончилиги ўлкага хос иссиқ иқлим, жазирама куёш тафтидан бекиниш ва қуюқ сояга эришиш эҳтиёжлари бу ўлкада боғлар яратишни талаб қилган.


Мисрда эрамизгача II минг йиллик ўрталаридан бошланган Янги подшолик даври нақш–безакларида турли ҳовузлар ва бир–биридан фарқланувчи экинлар ва дарахтларга, тўғри бурчакли мунтазам меъморий режага эга бўлган хусусий боғларнинг тасвирлари учрайди. Бундай боғлар ҳукмдорлар саройлари қошида, бадавлат уйларнинг ички ҳовлиларида, ибодатхоналар атрофида, уларнинг мукаддас ҳисобланган бўлимларида қурилган. Саройлар ва ибодатхоналар одатда Нил дарёсининг тошқини етиб бормайдиган тепалик ва қирларда қурилган. Эҳтимол шу сабабдан Қадимги Миср қирлари этакларида поғонали (кўп саҳнли) боғлар вужудга келган. Саройларнинг ички ҳовлилари текисланиб тўғри бурчакли текис боғлар шакллантирилган. Боғ четларига катта дов–дарахтлар, ичкарига эса пасткамроқ дарахт ва буталар экилган. Ўртада катта ҳовуз, унинг ёнига соябон қурилган.

Миср боғларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларда ҳовузлар, гулзорлар, мевали ва манзарали дарахтлар, узумзор ва сабзавотзорларнинг аралаш экилишидир. Дарахт қаторлари орасидаги бўш жойларга сабзавот ва гуллар экилган. Токзорлар учун эса алоҳида майдон ажратилган. Энг Қадимги подшолик даврларидаёқ токларни кўтариб қўйиш учун устунли-тўсинли қурилмалар ишлатилган. Кейинчалик уларга зеб берилиб, токзорлар билан ўралган соябонлар вужудга келган. Боғлар тўрида сарой биноси жойлашиб, дарвозадан унгача усти узум билан ёпилган хиёбон тортилган. Боғ маркази ва боғ қисмлари ўртасида ҳовузлар жойлашган. Шаҳар қалъалари, эҳромлар, боғлар ва улардаги ҳовузлар асосан тўғри тўртбурчакли мунтазам симметрик режаларда ишланган.

Мисрлик боғбонлар марваридгул, шаббўй ва атиргулларни маданийлаштириб кўпайтирганлар. Боғларга булардан ташқари қалампиргул, бутакўз, мойчечак, лолагул, нилуфар ва папирус гуллари экилган.

Мисрдаги Янги подшолик даврларида ҳар бир ибодатхона ўз боғ хўжалигига эга бўлган. Ментухотеплар (эрамизгача 2160–2000 йиллар) ибодатхоналари қошидаги боғлар ҳамда қиролича Хатшепсуг (эрамизгача 1820–1500 йиллар) бунёд этган боғ–парк бунга мисол бўла олади.

Боғ–истироҳатчилик санъати, айниқса, Мисрнинг қадимги пойтахти Фивада ривож топган. Фивадаги боғлар саройлар, шаҳар ҳовлилари ва ибодатхоналар қошида қурилган. Йирик сарой боғлари бир неча қисмларга бўлиниб, ҳар бир алоҳида ҳовли боғи ҳам деворлар билан ажратилган. Бу деворлар боғ муҳитини қуруқ шамоллардан сақлашга ёрдам берган. Боғлар ва улардаги яшил майдонлар алоҳида деворлар билан ўралган. Боғ ичига ҳовузлар жойлаштирилиб, уларда чиройли сув ўсимликлари, бошқаларида эса ўрдақлар ва балиқлар сузиб юрган. Бош бино, яъни сарой боғ композициясининг марказий ўқида жойлашиб, унга тоқлар осилган хиёбон орқали борилган. Боғнинг барча таркибий қисмлари – ҳовузлар, соябонлар, тоқзорлар, гулзорлар, очиқ павильонлар суғориш тизимига асосланган яхлит мунтазам (регуляр) композицияга бўйсиндирилган (3.1.1–расм).




3.1.1–расм. Мисрнинг ҳовли боғлари; а–мисрлик бойнинг уй боғи; б–Фивадаги Аменонфис III лашкарбошининг боғи, в–ушбу боғнинг умумий кўриниши.

Ҳукмдорлар боғларининг кўпчилиги бўйлама ўқли симметрик режага эга бўлиб, ўқ узра жойлашган боғ иморатлари ва очиқ яшил муҳитлар контрасти ва перспективасини ташкил этган. Бой зодагонлар саройлари қошидаги боғлар ҳудуди 6–7 минг кв.м бўлса, оддий шаҳарликларнинг ҳовли боғлари бор–йўғи 100 кв.метрга яқин бўлган.

Фиръавн Рамзес III (эрамизгача 1198–1166 й.й) даврида кичик дарахт ва буталарни катта декоратив сопол идишларга экиш тажрибаси орттирилган. Унинг даврида 514 та боғ бунёд этилган. Бу боғлар ўзларининг декоратив аҳамиятидан ташқари эҳромларни ўсимлик ёғи, шароф, ёғоч, хушбўй ўтлар билан таъминлаб турган. Қадимги Мисрда энг сеvimли гуллар лотос ва папируслар ҳисобланган. Мисрликларда эҳромлар ва саройлар қошидаги боғларга забт этилган ўлкалардан келтирилган экзотик дарахт ва буталар экиш одати бўлган.

Карнак шаҳридаги Амон ва Эдфу шаҳридаги Гора ибодатхоналари қошида «Сфинкслар хиёбонлари» сақланган бўлиб, улар эрамизгача XV–XIV асрлар ландшафт архитектурасининг хиёбон кўринишидаги ёдгорлиги ҳисобланади. Одамлар ибодатхонага сфинкслар хиёбони орқали кириб


келишган (3.1.2–расм). Мисрдаги энг узун сфинкслар хиёбонининг узунлиги 3,5 километрга яқин бўлган. Шаҳар кўчасининг ландшафт муҳитини ечиш тажрибаси ҳам Қадимги Мисрда ушбу даврга тааллуқлидир. Шимолдан жанубга қараб бир неча километрга чўзилган Ахетатон шаҳрининг шоҳ кўчаси эса ҳар икки томонидан баланд сфинкслар билан эмас, балки пальма дарахтлари билан чиройли безатилган. Тўғри чизиқли метрик қаторда жойлашган сфинксларни пальма дарахтлари билан алмаштириш ўша давр шаҳар шоҳ кўчаларининг ландшафт ечимида катта янгилик ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам Мисрдаги бу қадимий хиёбоннинг композицион услуби кейинчалик ҳаётга кенг қўллана бошланган (3.1.3–3.1.4–расмлар).



3.1.2–расм. Қадимги Миср. Эдфудаги Гора ибодатхонаси ички ва ташқи муҳитининг ландшафт ечими. Эрамизгача XV аср. Ибодатхона дарвозасидан сфинкслар хиёбони бошланган, дарахтларнинг экилиши мунтазам режага асосланган.



3.1.3–расм. Миср шаҳарларида ва саройлар комплексининг жойлашиши:
а–Фиръавн Рамзес III саройи, Мединет–Хабу, эр.ав. I аср; б–Карнакка кириши, сфинкслар хиёбони; в–Луксор, Рамзес III колосси.



3.1.4–расм. Хатшепсут маликасини саройи. Эр.ав. 1520-1500 йил олдин: а–сарой реконструкцияси; б–Хатшепсут ҳайкали; в–саройнинг ҳозирги шакли; г–колосслар; д–сфинкслар хийбони; е–сарой ичида

Якуний хулосалар

1. Қадимги Мисрда мавжуд бўлган суғориш иншоотлари тизими ва қурилмаларига асосланган деҳқончилик, ўлкага хос жазирама иссиқ иқлимнинг салбий таъсирини сусайтириш ва сояга эришиш эҳтиёжлари бу мамлакатда қадимдан боғдорчилик маданиятининг шаклланишига сабаб бўлган.

2. Қадимги Мисрда боғ-парк санъати мунтазам режавий ечимга асосланган ҳолда шаклланган. Шаҳар ландшафтини шакллантиришда кўча ва хийбонлар муҳим роль ўйнаган. Кенг кўчалар тўғри чизиqli, узун саройлар ва ибодатхоналарни бир-бирига боғлаган. Ландшафт меъморчилигининг композициялари аксарият текис ҳудудларда шаклланган.

3. Қадимги Миср боғ-паркларининг турларига ибодатхоналар, саройлар ва шаҳарликларнинг ҳовлилари қоши ва таркибида ташкил этилган боғлар кирган. Кўчалар бўйлаб сфинкслар ёки пальмалардан шаклланган узун хийбонлар ўтказилган. Ибодатхоналарга кириб келувчи кўчалар сфинкслар қаторлари билан безатилган.


4. Қўлланилган ўсимликлар турларига уларнинг маҳаллийларидан ташқари четдан келтирилган экзотик ўсимликлар: анжир, анор, атиргул, яминлардан кенг фойдаланилган. Айниқса, хушбўй ҳид ва меваларидан мой чиқарувчи дарахтлар юқори баҳоланган. Ўтли ўсимликлардан чиннигул, бутакўз, кўкнорилар кенг тарқалган.

Қадимги Юнонистон боғлари


Қадимги Юнон адабиётларида Юнонистон шаҳарларининг табиий ландшафт билан мутаносиб тарзда бунёд этилиши ҳақида ёзилган. Дарҳақиқат, Пелпоннес ва Кичик Осиёдаги юнон ва Эллада шаҳарларидаги акропол ва театрлар табиат ландшафти композициясига тамоман мос тушиб уни сунъий ривожлантирган. Агар Афина акрополининг ансамбли ўзи ўрнашган қоянинг ҳайкалона яқини тарзида бунёд этилган бўлса Эпидора, Эфес, Приена театрлари гўё инсоннинг тоғ қояларига енгилгина бадиий ишлов берганлиги

оқибатида вужудга келгандай туюлади. Айниқса, бу ҳол Приена шаҳрида яққол кўзга ташланади. Шаҳар жойлашган тоғ қиялиги агора ва жамоя биноларига мўлжалланган майдончаларга мос тарзда поғоналарга бўлиб чиқилиб, жойнинг табиий ландшафт хусусиятлари сақлаб қолingan (3.1.5–расм).

Юнонистон боғлари кўп сонли бўлсада, катта бўлмаган. Тураржой биноларининг ички ҳовлиларидаги боғлар тагига мозаик расмлар ишланган кичик ҳовузлар билан безалган. Ҳовлиларда махсус кути ва ёғоч бочкаларда ўстирилган гуллар ва буталар сўлим табиатнинг мўъжаз бир бўлагига айланиб кетган. Қадимги Юнонистонда боғлар гимназиялар қошида сайргоҳ ва тафаккур маскани тарзида ҳам бунёд этилган. Унчалик катта бўлмаган боғлар айрим ибодатхоналар қошида ҳам ташкил этилган.



Антик Юнонистон боғларининг турлари



3.1.5–расм. Қадимги Юнонистон боғлари: 1–муқаддас ўрмонзор модели; 2–Академия боғининг реконструкцияси; 3–Лике эҳромининг пештоқи; 4–муқаддас ўрмонзорнинг

алтари–героон.


Табиатга мослашган юнон шаҳарларини одатда зайтун дарахтзорлари ва кишлоқ хўжалик экинзорлари ўраб турган бўлсада, бироқ тирик ландшафтни шаҳар ичида вужудга келтириш ҳаракатлари деярли кам миқдорда амалга оширилган.

Юнонистон ва Эллада шаҳарларининг кўчалари ва жамоат майдонлари-агораларни меъморий манзаравий ташкил этиш бобида қизиқарли мисоллар мавжуд. Пиёдалар кўчасини ландшафт ташкил этишнинг мумтоз мисоли тариқасида Эфесдаги Савдо, Мармар ва Куретес номли кўчаларни кўрсатишимиз мумкин.

Аркадиан савдо кўчасининг ҳар икки томони баланд устунлар қатори билан безатилган. Бутун кўчага тош тахтачалар тўшалган.

Юнон шаҳарларидаги очик майдонларни шакллантиришда ҳайкаллардан кенг фойдаланилган. Жумладан, Эфесдаги Куретез кўчаси шаҳардаги энг буюк кишиларнинг ҳайкаллари билан безалган. Қадимги дунё ландшафт архитектурасининг ўзига хос асарлари қаторига Афина акрополидаги афина Промохосининг сиймоси ифодаланган ҳайкал ҳамда Родос оролидаги Куёш худоси Гелиос шарафига ўрнатилган улкан ҳайкал “дунёнинг эртакнамо мўъжизаси” ҳисобланган Колосс ҳам киради. Колосс соҳилга ҳамма томондан кўриниб турадиган кенг майдонга ўрнатилган бўлган.

Қадимги Юнонистон. Юнон меъморлари биноларни табиат кўчоғига мувофиқлаштиришга ва бу уйғунликни турли нуқталардан кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Тоғ этакларига мос тушган театр деярли ҳар бир юнон шаҳрининг ажралмас қисми ҳисобланиб, бутун аҳолини сиғдириш имкониятига эга бўлган. Римликлар даврида театр ўзининг ана шундай “ландшафтдор” хусусиятини йўқотиб, тўлиғича сунъий иншоот кўринишини олган (3.1.6–расм).



3.1.6–расм. Қадимги Юнонистон. Эфес шаҳри театрининг жой рельефига мос тарзда ишланиши


Қадимги Римнинг антик даври боғлари


Юнонистон ва Рим ландшафт архитектураси боғ-парк санъати хусусиятида инсон ва табиат орасидаги алоқадорликнинг асосан икки хил анъаналари кўзга ташланади. Бу анъаналар эрамиз бошида Ўрта Ер денгизи атрофида яшаган икки йирик халқлар ва давлатларнинг бадиий маданиятидаги умумий фарқлар билан боғланган. Юнонистон меъморчилиги ва санъати асарларига табиат билан тамоман уйғунлашишга эришиш хусусиятлари мос келса, римликлар, юнонлардан фарқли ўлароқ, атроф муҳит жозибадорлигига геометрик ва тўғри чизиqli шакллар нафосатини қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилганлар.

Рим боғ-паркчилиқ санъати хусусий уйлар, саройлар ва ҳовлили дала уйлари-виллалар қошидаги боғлар шаклида мавжуд бўлган. Шаҳар тураржойлари ҳовлиларидаги боғларда асосан Юнон анъаналари тараққий эттирилган. Бу анъаналар Помпейдаги (1–аср) қазилмалар натижалари орқали яхши танилган. Рим зодагонларининг шаҳар ташқарисидаги дала-ҳовлиларидаги боғлари эса ўзгача кўринишга эга бўлган. Римга забт этилган мамлакатлардан келтирилган қуллар ва беҳисоб бойликлар ҳуқумдорларга манзаравий ва манфаатли утилитар боғлар билан безатилган серхашам далаҳовлилари, виллалар ва сарйолар қуриш имконини берган.



Кичик Плинийнинг Лаурентинумдаги вилласи Римдан 30 км четда, денгиз соҳилидаги хушманзара гўшада, боғлар ва қишлоқ хўжалиқ экинзорлари орасида жойлашган (3.1.7–расм). Ушбу вилланинг график тасвири келтирилган, бироқ у тўлиқ аниқликка давогар эмас. Шундай бўлсада у Рим вилласининг миқёсий кўлами ва кенглигидан дарак беради.

Вилла ички ҳовлилардан бирида қишин-ёзин ям-яшил бўлиб ва кечки зиёратларга хизмат қилувчи “виридариум” деб номланган боғ жойлашган. Вилла яқинида мунтазам тарзда режалаштирилган манзаравий сайргоҳ боғлар жойлашган. Кузалган дарахтлар ва буталар билан безатилган йўлаклар майсазорлар ва гуллар ораисдан ўтказилган. Ўсимликларни кузаш санъатида ва гулчиликда римликлар юқори савияга эришганлар.






3.1.7–расм. Лаурентинумдаги кичик Плиний вилласи. Эрамизнинг 1 асри: юқоридаги расмда Вилла саройининг умумий кўриниши; пастки расмда Вилла бог-саройининг тархи.



3.1.8–расм. Тиволидаги Адриан вилласи. II–аср. “Нил” номидаги сунъий ҳовуз ва “Канопус” инишооти.



3.1.9–расм. Тарихий боғ–паркларнинг асосий стиллари:

Расмда **“итальянча”** (рельефда мунтазам), **французча** (мунтазам текис) ва **инглизча** (табиий пейзажли) боғларнинг бир-биридан фарқ қилувчи ечимлари кўрсатилган.
а–итальянча; б)–французча; в)–инглизча боғ.

Қадимги Римнинг боғ-паркчилик санъатида бугунги кун манзаравий боғдорчилигидаги деярли барча маълум услублар қўлланилган. Боғ композициясини шакллантиришда пергола, ёпиқ хиёбонлар, ҳайкаллар, ўриндиқлар, фавворалардан кенг фойдаланилган. Қўланилган дарахтлар, буталар ва гуллар тури ниҳоятда кўшп бўлган. Катта Плиний (эрамизгача 1–асрда) Рим боғларида ўша даврда қўлланилган ўсимликларнинг сонини мингтагача етказди.

Виллалар қошидаги парклар анча катта бўлиб, майдони 100–150 гектарга етган. Ушбу майдонлар ортида полиз экинлари ва мевали дарахтлар жойлашган. Ана шундай машҳур виллалардан бири Римдан шарқда 30 километр масофада жойлашган Тиволи шаҳарчаси яқинидаги Адриан вилласидир (3.1.8–расм). Тиволи бой рим зодагонларининг асрлар давомида шаҳар атрофидаги виллаларини куришда энг сеvimли гўша бўлиб хизмат қилган. Рим императорлари Юлий Цезардан бошлаб қадимги Миср меъморий ёдгорликлари ва боғларига катта қизиқиш билан қараган. Бу ҳатто улар курдирган иншоотларда ҳам ўз аксини топган. Масалан “Канопус” Александрияга яқин шаҳрачининг номи. Адриан вилласидаги Канопус марказида “Нил” номи берилган сунъий ҳовуз мавжуд.

Вилла турли–туман бинолар конгломерати, боғлар ўстирилган террасалар, қтор сув ҳавзалари ва ҳайкаллардан ташкил топган. Буларнинг барчаси сўлим дарё соҳили этакларида жойлашган. Адриан вилласидан жануброқда Олимп тоғлари этакларида ўсувчи афсонавий ўрмонга бағишланган “Замон водийси” деб номланувчи манзарали табиий парк жойлашган. Оврупа XVIII аср романтик боғларининг муаллифлари Ушбу адриан вилласи қошидаги “Замон водийси” ғояларидан тасвирланган бўлиши мукаррардир.

Шаҳар ичидаги боғлардан ташқари Италиянинг Албан ва Сабин тоғлари этаклари ва нишабликларида жойлашган вилла боғлари ўзига хос ечимларга эга бўлган. Тиволи яқинидаги император Адриан вилласининг боғи қадимги Юнонистон ва Шарқнинг энг машҳур иморатларининг миниатюралаштирилган макетлари билан безалган.

Римдаги Плиний вилласига доир ёзма маълумотларда кўрсатилган гулзорлар, фавворалар, устунлар ва террасаларни қадимги Юнонистоннинг Помпей фрескалари ва Палатин саройи–Стадиум боғларига таққослаб қаралса, айтиш мумкинки Қадимги Рим боғлари ҳам Юнонистон боғлари каби меъморий жиҳатдан тартибли ҳажмий композицияда ва мунтазам режаларда ишланган. Боғ иморатларининг тўғри текис шакллариغا, равоқ ва устунларнинг катъий геометриясига дарахт ва буталарнинг табиий шаклларини мослаштиришга интилиш уларни кузаш заруратини туғдирганки, бу қадимги Римда “топиар” санъатини вужудга келтирган. Қадимги Рим боғлари безакдор усулда гўзал бассейнлари бўлган усти гумбаз билан ёпилган салқин суҳбатхоналар (нимфеялар), партерлар, фавворалар ёки ҳайкаллар билан ва ҳатто узоқ ҳинддан келтирилган нодир гуллар билан безатилган.

Римда, сўнгра эса Италия сайргоҳ боғларида жойнинг рельефидан ўта устакорона фойдаланганлар. Тоғ ва қириликлар нишаблигида занаятчилик ва пандуслар орқали боғланган террасалар тизими шакллантирилган. Террасаларда регуляр боғларни тарҳ этганлар. Тоғдан оқаётган сув фавворалар, ҳовузлар, сунъий ҳавзалар ва шалоларга келиб қуйилган. Ана шундай рельефли регуляр, мунтазам тарҳли, симметрик композицияли боғлар пировардида, “итальян” боғи номини олган (3.1.9–расм).

Тарихдан маълум бўлган халқларнинг улкан кўчиши жараёни бу боғларнинг бошқа Рим иншоотлари каби, шу жумладан, акведуклар ва фаввораларнинг ҳам бузилиши ва вайронага айланишига сабаб бўлган.

Назорат саволлари.

1. Қадимги Миср боғларининг турлари ва уларга хос хусусиятларни тушунтириб беринг.
2. Қадимги Юнонларнинг жонли табиатга муносабати қандай бўлган?
3. Антик Юнонистон боғларининг турлари ва уларга хос хусусиятларни тушунтириб беринг.
4. Рим боғларининг хилларини тушунтириб беринг. “Топиар” санъати деганда нимани тушунаси?

3.2. МАВЗУ. ЯҚИН ВА УЗОҚ ШАРҚНИНГ БОҒДОРЧИЛИК ВА БОҒ-ПАРК САНЪАТИ.

Режа:

1. Оссурия ва Бобил боғларининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.
2. Қадимги Эрон ва Туронда Чорбоғ услубининг шаклланиши.
3. Эрон ва ислом мамлакатларининг ўрта асрлардаги боғ-парклари.
4. Қадимги Хитой боғлари.
5. Хитой боғларига хос асосий меъморий-ландшафт хусусиятлар.
6. Япон боғларининг асосий сифатлари ва белгилари. Япон боғларида символизм (тимсоллик) рамзи.

Қадимги Месопотамия: Оссурия ва Бобил боғлари. Яқин Шарқдаги Фрот ва Джайла дарёлари оралиғида жойлашган бу ўлкада эрамизгача IV мингинчи йилларда шумер ва аккадларнинг қадимги қабиалари яшаган. Месопотамия халқлари боғ–парк санъати тарихи, одатда, 3 даврга: шумероаккад, оссурия ва янги бобилликлар даврларига бўлинади.

Шумероаккадлар даври ўзига хос эҳромлар–зиккуратлар таркибидаги боғлар билан ажралиб турган. Зиккурат поғонасимон пирамида кўринишидаги минорага ўхшаш, йирик хом ғишт ва тошлардан қурилган кўп қаватли (одатда 7 қаватлик) бино бўлиб, энг юқори қаватда эҳром жойлашган. Месопотомиянинг энг қадимги боғлари Уре тоғидаги зиккуратнинг поғонасимон боғлари ҳисобланган (эрамизгача XXIV–XXIII асрлар). Эҳром поғоналари кенг бўлиб, уларда турли хил ўсимликлар ўстирилган.

Оссирийлар даври боғлари катта ўлчамлари билан фарқ қилган. Табиий дарахтзорлар ва ўсимликлар ов ва ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган истироҳат боғларига айлантирилган. Бу боғлар режаси қатъий мунтазамликка эга бўлмай, ўсимликлар ўрмонлардаги каби анча эркин жойлаштирилган. Оссирия ва Бобилда давлат томонидан қўриқланадиган ривожланган суғориш тармоқлари мавжуд бўлиб, улар ўсимликлар ўстириш ва боғлар бунёд этиш имконини берган. Бироқ, тарихий манбалар бу ердаги боғлар Қадимги Миср боғларидан кейин вужудга келганлигини кўрсатади. Тарихий тасвирлардан бири Шумер шоҳи Гудеанинг эрамизгача тахминан 2340 йилларда қамишли ўсимликлар билан чегараланган токзорлар ва балиқли ҳовузлар ташкил этганини ифодалайди. Бу ердаги парклар ҳақида илк бор Оссирия шоҳи Тигратпаласар I (эрамизгача 1100 йилларда) шундай маълумот беради: «Кедр ва қора қайин ҳамда бу ерга мендан олдин ҳеч ким экмаган дарахт навларини мағлуб этган ўлкаларимдан олиб келиб ўз мамлакатим боғларига экдим».

Кейинроқ эса шоҳ Саргон II ҳам (эрамизгача 711–707 йиллар) ўзи қурдирган янги шаҳар Дур–Шуракиндаги саройи қошида катта парк бунёд этиб, уни Хетт мамлакатидан келтирилган турли хил экзотик ўсимликлар ва тоғ мевалари билан безатади. Саргоннинг ўғли Санхериб ҳам Оссириянинг аввалги пойтахти Ниневияда сарой қуриб, унинг ёнида парк бунёд этади ва паркта турли хил боғлар, шунингдек, мевали дарахтлар ҳамда узумзор ташкил қилади.


Боғлар канал орқали суғорилади ва унда узумлар, меваги дарахтлар, хушбўй ўтлар, гуллар, сарв, пальма ва бошқа ўсимликлар яйраб ўсади. Паркда, шунингдек, ноёб ҳайвонлар ҳам сақланади, сунъий сув ҳавзалари ва турли шакллардаги павильонлар қурилади (3.2.1–расм).



3.2.1–расм. Дур–Шуракин–Оссирия (Хорсабод пойтахти) эр. ав. VII аср: 1–Саргон саройининг режаси, 2–сарой, 3–Саргон III саройининг киришидаги қанотли ҳўкиз ҳайкали.

Маълумки, оссирияликлар ҳам шумероаккадларга ўхшаб зиккуратлар қурганлар. Зиккурат поғоналарининг сатҳи кўкаламзорлаштирилган. Айрим мутахассисларнинг тахминича, парклардаги тупроқдан уйиб ясалган сунъий қирлик ва тепа қисмига соябон (павильон) ўрнатилган баланд тепалик ушбу зиккурат таъсирида вужудга келган. Зиккуратга хос ландшафт ва меъморий ечимлар қадимги бобилликларни эҳтимол «осма боғлар» бунёд этиш ғоясига ундаган.

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган «осма боғлар» нафакат Қадимги Бобилнинг, балки бутун Шарқнинг ҳам ландшафт меъморчилиги ва дизайнидаги энг гўзал намуналаридан бири бўлган (3.2.2–расм).



3.2.2–расм. Қадимги Бобил шаҳрининг умумий кўриниши, унинг Иштар дарвозаси ва зиккурати тасвири

Бу боғлар Фрот дарёсининг соҳилида жойлашган бўлиб, Геродотнинг фикрича, Оссирия қироличаси Семирамида (эрамизгача IX аср) номи билан

боғланган. Тарихчи Страбон эса бу боғларни шоҳ Навуходоносор II (эрамизгача 605-562 йиллар) ўзининг Мидиялик севикли хотини Никотрисса учун курдирган деб ёзган. Боғлар дастлаб малика Семирамида (аслда Шаамурадат) даврида қурилган, кейинчалик эса Навуходоносор томонидан ривожлантирилиб қайта ишланган бўлиши мумкин.

Тўрт қаватлик баланд тепага секин-аста қисқариб борувчи поғонасимон «осма боғлар» биринчи қаватининг ўлчамлари 45х40 ни, иккинчи қавати эса 40х30 метрни ташкил қилган. Ҳар бир қаватнинг соф баландлиги 5 метрга яқин бўлиб, бир қаватдан иккинчисига оқ ва қизғиш рангли мраммдан ишланган кенг зиналар орқали чиқилган. Нақшинкор устунларга таянган равоқлар устидан ғишт, унинг устидан мураккаб таркибли елим-қатрон, ичига эса ҳозирги цементга ўхшаш лой тўлдирилган чий тўшалиб, яна ғишт терилган ва, ниҳоят, сув ўтмасин деб яна қатрон ва кўрғошин қўйилган. Ҳар қаватга мана шу тарзда «замин» ҳозирланганидан сўнг устидан улкан дарахтлар ўсадиган даражада унумдор тупроқ қатлами ётқизилган. Боғ учун дунёнинг Мағрибу–Машриғидан энг нодир ва кўркем дарахт кўчатлари, буталар, анвойи гуллар келтириб экилган (3.2.3–расм).



3.2.3–расм. Семирамида “Осма боғлари” реконструкциясининг шакллари:

1–3–реконструкция шакллари, 2–Иштар дарвозаси ва Бобил режаси,
4–“Александр” б/фильмидан олинган расм

Боғлар Фрот дарёсидан чархпалак ёрдамида чиқарилган сув билан суғорилган. Ҳар бир қаватга фавворалар, қаватлараро шалолалар ишланган. Қаватларни кўтариб турувчи йўғон устунлар ичи бўшлиқ бўлиб, уларга тупроқ солинган ва дов дарахтлар экилган. Дарахтлар табиий тартибда, яъни юқори қаватларга дов-дарахтлар, пасти поғоналарга эса пастқамлари экилган. Оссирия ва Бобилга палма, кипарис, кедр, шамшод, чинор ва эман дарахтлари қадимдан хос бўлган. Боғнинг энг юқори қаватига гўзал ва нафис кўшк–сарой ишланиб, ундан бутун шаҳар ҳусни, боғнинг қуйи қисми, Фрот дарёсининг суви ва соҳили кўриниб турган. Қаватлардаги устунлар орасидаги бўшлиқлар эса безатилиб усти ёпиқ оромгоҳ айвонлар тарзида хизмат қилган.

Бундан ташқари, Оссирия–Бобилистон подшоҳларининг ов қилиб, хордиқ чиқариш, от чопиш ва отда сайр қилишга мўлжалланган кенг яйловлар ва

ўрмонзорларга бой боғлари ҳам бўлган. Бу боғларда сув ҳавзалари бўлиб, турли ёввойи ҳайвонлар ва паррандалар ўстирилган.

Шарқ халқлари ландшафт меъморчилиги ва дизайнининг яна бир ажойиб намунаси Қадимги Иерусалимдаги шоҳ Соломон (эрамизгача X аср) саройи қошидаги боғлардир. Манбаларда келтирилишича, сарой қошида ажойиб балзам боғи бунёд этилиб, унда қиммат баҳо хушбўй ўсимликлар ўстирилган. Шоҳнинг оромгоҳларидан бири кўшк (павильон) кўринишида қурилган. Уни турли хил дарахтлар ва металдан ишланган ғаройиб ўсимликлар беаган. Дарахт ва ўсимликлар сарой деворларини бутунлай ёпган, шоҳлардаги барглар эса шунчалик гўзал ва нозик ишланганки, гўё улар доим елпиниб тургандек кўринган. Ушбу ландшафт меъморчилигининг ўзига хос беаги табиий жим-жимадорлиги ва ранги-рўйи билан кишида ажойиб таассурот қолдирган. Бошқа манбалардан яна шу маълумки, Соломон саройининг тўртта нақшинкор ҳовлиси ва боғлари бўлиб, улардаги ҳовузларда балиқлар сузган, боғда манзарали палма ва сарв дарахтлари, анор, узум ва бошқа мевали дарахтлар ва гуллар ўсган. Боғда товуслар, кабутарлар ва бошқа турли нафис қушлар сақланган.

Қадимги Эрон ва Турон боғлари. Эроннинг қадимги боғлари Аҳамонийлар сулоласига асос солган подшоҳ Кир II ва унинг давомчилари (милоддан аввалги 545–330 йиллар) давридаёқ шакллана бошлаганлиги манбалардан маълум. Жумладан, қадимги Эронда давлат томонидан ташкил этилган махсус боғ–қўриқхоналар мавжуд бўлиб, уларда турли ҳайвонларни сақлаш, ўрчитиш ва ов қилиб дам олиш учун зарур шароитлар яратилган. Булоқлар, дарахтзорлар ва ўрмонзорларга ғарқ бўлган бундай боғлар баланд деворлар билан ўралиб, ов қилиш учун махсус буржлар ва қулай жойлар қурилган. Аҳамонийлар даврида ва кейинчалик Сосонийлар даврида (эрамизнинг 200–600 йй) бундай боғлар «пайридез» деб аталган. Бунда «пайри» (атроф) ва «дез» (девор)–атрофи девор билан айлантирилган боғ маъносини билдирган. Бундай сифатли ов боғлари ўзининг кенглиги, танланган ландшафти ва гўзал табиати билан ажаралиб турган.

Қадимги Эрон шоҳлари ўзлари қурдирган улкан саройлари қошида ҳам боғлар яратган. Қадимги Персепол саройи қошидаги боғ шундай боғ жумласига кирган.

Ҳинд олими М. Рандхаванинг фикрича, Эрон шоҳи Кир II Эрон ва Туронда “чорбоғ”лар бунёд этган илк ҳукмдор ҳам ҳисобланади. Қадимги Эроннинг пойтахти Пасаргад шаҳри атрофида эрамизгача VI асрда яратилган чорбоғ ана шундай боғларнинг бири саналган.

Тарихчи Ксенофонтнинг ёзишича, Кир яратган “Чорбоғ” мунтазам симметрик режавий ечимга эга бўлиб, ундаги хиёбонларни серсоя дарахтлар, хушбўй ўсимликлар, гуллар беаган. Боғ тўрт қисмга бўлиниб, унда турли-туман манзарали ва мевали дарахтлар экилган, ариқлар ва шаршаралардан шарқираб сув оққан. Чорбоғлар Эроннинг сувга танқис иссиқ иқлими шароитида сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш тажрибаси асосида яратилган бўлса ажаб эмас.

Қадимги Эрон боғларида чинор дарахти кўпроқ экилган. Бу боғлар экзотик ўсимликлар, хонаки ҳайвонлар, ҳовузлар, табиий ҳавзалар, кўшклар, кўшк олдилари гулчаманлар билан безатилган. Боғларда зилол сувли булоқлар бўлган. Буларнинг барчаси боғларга фирдавсмонанд манзара берган. Қадимги Эронда “Бўстон” деб аталувчи мевали боғлар ҳам кенг анъана бўлган. Саъди Шерозийнинг шу номли поэмаси бунинг исботидир.

Эрон гуллар шоҳи атиргулнинг ватани деб ҳам бекорга айтилмаган. Атиргул боғларига «Гулистон» деб ном берилган. Ҳатто Эрон миллий эпосининг номи ҳам «Гулнома» («Атиргул ҳақидаги поэма») деб номланган. Эрон, нафақат атиргулнинг, балки сирен, лолагул, чиннигул, наргислар ватани ҳамдир. Ёзишларича, Қадимда Эроннинг пойтахти бир вақтлар Сўза, яъни Лилия гулининг номи билан аталар экан. Умуман олганда Эрон боғ-паркчилик санъати бутун Қадимги Шарқ боғларининг ривожига катта таъсир кўрсатган (3.2.4–расм).


Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда боғлар яратиш санъати меъморчилик ва шаҳарсозликнинг муҳим таркибий қисми тарзида жуда қадим замонлардан бошлаб тараққий топган.

Масалан, Сугдиёнанинг қадимги боғ–парклари ҳақида антик давр муаллифлари, жумладан Диодор ва Квинт Курций Руфлар хабар беради. Уларнинг ёзишича, бундай боғлар учун, одатда, мавжуд кенг яшил майдонлар, сувлоқ тоғ олди яйловлари ва қалин ўрмонзорлар танланиб, улар ҳукмдорларнинг ов қилишлари ва дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган. Уларда ҳатто ов пайтида фойдаланиладиган махсус буржлар ва иморатлар қурилган.

Боғларда турли хил ёввойи ҳайвонлар сақланиб ўрчитилган. Бундай боғлар ўша давр ҳукмдорларининг бойлиги, яшаш, дам олиш ва истироҳат услубларидан дарак беради. Бу боғлар махсус тарҳ асосида қурилганми ё йўқми, бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Бироқ, улар ўзларининг шаклланиш омиллари, эгаллаган жойлари ва табиий манзараларига қараб мунтазам режали меъморий боғлардан кескин фарқ қилган. Шу боисдан уларни эркин режали манзарали истироҳат боғлар туркимига киритиш мумкин.

“Македониялик Искандар тарихи”нинг муаллифи римлик Квинт Курцийнинг ёзишича, Искандар Сугдиёнага бостириб келганда “Базайра” номли жойда барпо этилган манзарали боғда аскарлари билан ов қилиб дам олади ва ов пайтида тўрт минг ҳайвонни отиб ўлдиради. Тарихчи олимларнинг фикрича, ушбу боғ Мароқанд шаҳрига, яъни қадимги Самарқандга яқин жойда бўлган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу боғ ўта кенг тоғлиқ яйловларга, қалин дарахтзорларга, турли хил ёввойи ва қўлга ўргатилган ҳайвонларга бой бўлган.

Чорбоғ услубининг график тасвирлари



3.2.4–расм. Чорбоғлар ва Шарқона маҳаллий гилам (Эрон).


Гиламда чорбоғ гоҳиси ифодаланган бўлиб, ўртадаги “жаннат булоғи” ва аригидан дунёнинг тўрт тарафига ҳаётбахш сув тарқалмоқда. Чорбоғдаги тўртта боғда сайргоҳлар, мевали дарахтлар, чаманзорлар, чаманзорларда эса мўъжаз гулзорлар кўрсатилган.

Шунингдек, антик давр манбаларида Афғонистондаги Тошқўрғондан мазори-Шарифгача бўлган кенг яйловларда Амударёнинг ўнг соҳилига яқин тўқайзорларда қадимги замонлардаги подшоҳларнинг ҳайвонлар ўстириладиган ва сақланадиган улкан боғлари бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар mavжуд. Уларда сон-саноксиз кийиклар ва ёввойи чўчқалар тўдаси, улар орқасидан тушган бўрилар галаси ва ҳатто гўёки шерлар ҳам ўстирилган.

Тожикистондаги Муғ қасридан топилган (VIII аср) ҳужжатларининг биридан Панжикент ҳокими Деваштичнинг баланд деворлар билан ўралган истироҳат боғи–“парадиз”и бўлганлиги ҳақида хабар беради. Деваштичнинг ушбу боғи шаҳардан ташқарида, Панжикент тоғликларида жойлашган деб тахмин қилинади. Ўша ҳужжатларда ушбу боққа махсус бошлиқ тайинланганлиги ҳам кўрсатилган. Бу нарсa боғни ҳақиқатдан ҳам қўриқланганлиги ҳамда ҳукумдор Деваштич ҳаётида алоҳида аҳамият касб этганлигини билдиради.

Археологик маълумотлар бизга Хоразмда ҳам қадимий боғ-паркчилик санъатининг ривожланганлигидан дарак беради. XII асрда Хоразмшоҳлар

давлатининг мустаҳкамланиши Амударё воҳаларида бир қатор: Женд, Вазир ва Шохсанам боғ-парк мажмуаларининг вужудга келишига имкон яратади. Бу боғлар шаҳардан ташқарида қулай иқлимли ва кўркам ландшафтли жойларда жойлашиб, шоҳларнинг оилалари билан ёз пайтлари яшашига ва дам олишига мўлжалланган боғлардир. Атрофи девор билан тўсилган бу боғлар саҳни нисбатан текис бўлиб, боғда сарой, боғ кўшклари, хўжалик иморатлари, мевали боғлар, хиёбонлар, ҳовузлар бўлган. Боғ мажмуаси тўғри чизиқли мунтазам режавий ечимга эга бўлиб, дарвозадан кирилгач бош хиёбон боғ марказида жойлашган асосий бино-сарой ва унинг ёнидаги ҳовузга элтган. Боғ саҳни катта ва кичик боғчалар ва чаманзорларга бўлинган. Бу давр боғларининг меъморий иншоотлари асосан хом ғишт, пахса ва синчкор иморатлардан иборат бўлиб, давр ўтиши билан бузилиб кетган (3.2.5–расм).



3.2.5–расм. Қадимги Хоразм боғлари (Женд, Вазир ва Шохсанам).

Милoddан аввалги II асрларда Ўрта Осиёдаги Парфия давлатининг подшоҳлари ўзлари учун саройлар курдириб, уларнинг атрофини тартибли режадаги боғлар ва сув ҳавзалари билан ўраган. Демак, чорбоғлар Эрон ва Туроннинг исломгача бўлган боғларига ҳам хос меъморий услубиятдир.

Шундай қилиб, Эрон ва Турон қадимги ва исломгача давридаги боғ-паркларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ов қилишга ва қўлга ўргатилган турли хил хайвонлар сақлашга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғ-қўриқхоналар, ҳукмдорларнинг оилалари билан дам олишга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлари (чорбоғлар) ва шаҳар ичидаги, унинг майдонларида бунёд этилган мўъжаз боғчалар. Ҳар уччала йўналишдаги бу боғ-парклар Ўрта Осиёда исломдан сўнгги даврларда ҳам сақланиб қолди ва ривожлантирилди. Темурийлар даври боғлари ва бизгача сақланиб қолган Бухородаги XIX аср охири ва XX аср бошларида барпо этилган Ситораи Мохи-Хосса чорбоғи ва ундаги баланд чинорлар тагида эркин сайр қилиб юрган тустовуқлар ва оҳулар фикримнинг далилига бир нишонадир.

Эрон ва ислом мамлакатларининг ўрта асрлардаги боғ-парклари. Бошқа мамлакатлардаги каби Ислom дунёсида ҳам энг гўзал боғлар ҳукмдорлар синфига тегишли бўлган. Ислom мамлакатлари боғларига хос анъанавийлик, бу

авваломбор, уларнинг мунтазам симметрик режада ишланганлигидир. Мунтазамликни «Чор унсур» фалсафаси ва боғ ўсимликларини тежамкорлик билан суғориш заруратидан келиб чикувчи «чорбоғ» услуби ташкил қилган. «Чор боғ» услубидаги боғ режаси бир ёки бир неча квадратлардан тузилган. Катта квадрат тўртта кичик квадратлар «чорчаманларга», улар ҳам ўз навбатида яна майда квадратчалар - «чаманлар»га бўлинган. Бу бўлинмалар нафақат йўлаклар ва хиёбонлар орқали, балки боғни суғориш тизимига кирган ариқлар ёрдамида ҳам ҳосил қилинган. Чорбоғ ёки чорчаманларнинг марказида боғ ҳовлисини намлик билан таъминловчи фавворалар ёки мўъжаз фавворачалари бўлган ҳовузлар жойлашган. Нозик тизгин фавворалар, ярқироқ мрамор ариқлардан сокин шилдираб оққан сувлар ўзига хос ҳолис боғ муҳитини яратган. Манзарали ва мевали дарахтлар, хушбўй ҳидли чаман гуллар, ҳовузлардаги ўрдак-ғозлар, боғдаги товуслар, гўзал охулар боғни янада мафтункор этган.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари боғларидаги алоҳида эътиборга лойиқ нарсалар бу сувга бўлган муносабатдир. Айниқса, иқлими иссиқ серкуёш мусулмон мамлакатларининг боғлари сувга ўта эҳтиёткорлик ва тежамкорлик муносабатида шакллланганки, иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида боғларнинг барпо этилиши асосан ана шу сувга боғлиқ бўлган. Нафақат боғнинг, балки бу ўлкаларда инсонлар ҳаёти ҳам кўп жиҳатдан сувга боғлиқ ҳолда кечган. Иссиқ иқлими араб мамлакатлари ва Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда сув ва боғ инсонларга ҳузур-ҳаловат ва бахт келтирган. Асрлар давомида инсонлар боғни авайлаб, ҳазинадек сақлаб келган. Шунинг учун ҳам Испаниядан тортиб, то Ҳиндихитойгача кенг тарқалган мусулмон дунёси боғларининг тузилиши, композицияси ва шаклу-шамойили ҳақидаги маълумотлар бизгача яхши сақланиб қолган.

Исфахондаги “Майдони Шох” ва “Шаҳар боғ” боғ ансамбллари. Эрон шоҳи шоҳ Аббос XVI-XVII асрларда пойтахт Исфахонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида улкан “Майдони шоҳ” хиёбонини ташкил этади. Унинг атрофини гўзал иморатлар билан безаб, яшил кўкаламзорлар, соябонлар бунёд этади.

Майдони шоҳ Исфахон шаҳрининг янги жамоа маркази-парк тарзида қурилиб, у шимолий жанубга қараб 510 м, эни 165 метрлик мунтазам режали улкан очик кўкаламзор майдонни ташкил қилади (3.2.6 расм). Майдон атрофи занжирқатор савдо дўкон равоқлари билан чегараланган. Равоқлар ёнидан соябон дарахтлар экилиб суғориш учун ариқ ўтказилган. Майдон узра текис майсазор ташкил этилиб, у миллий маросимлар, тантаналар ўтказишга ва чавғон ўйинига мўлжалланган.


Майдони шоҳни бунёд этиш тажрибаси ўрта аср эрон меъморлари ва шаҳарсозларига Исфахоннинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида анъанавий «чорбоғ» услубидан кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатди. Натижада майдондан ярим километрлар ғарб томонда шаҳарнинг янги бош хиёбони ва истироҳат боғи -«Шаҳар-боғ» бунёд этилиб, у ўзининг ғаройиб боғ саройлари ва мунтазам сайргоҳлари билан Майдони шоҳга “Али-Капу” («Баланд дарвозалар») орқали туташтирилди (3.2.7-расм).

Чехел-сутун, Хашт-Беҳишт ва Талар-Ашраф каби гўзал саройларга эга бўлган “Шаҳар-боғ” ёнларига саккиз қатор чинор ва тол экилиб, фавворалар, ҳовузлар, каналлар ва гулзорлар билан безалган учта кенг сайргоҳлар ташкил этилган. Бош хиёбон “чоҳар-боғ” эса жанубга Зандеруд дарёси томон 1650 метрга чўзилиб, кейин яна шаҳардан 3 км ташқаридаги Хазори Жериб боғларига қўшилиб кетган. Шаҳар-боғ ва Майдони-шоҳ Ўрта Шарқ ўрта аср халқларининг шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва хусусан боғ-парк санъати бобида кўлга киритган илғор тажрибаларининг Эрондаги энг гўзал намуналаридан ҳисобланади.

Боғ-истироҳатчилик амалиёти Шарқда муқаддас санъат даражасигача кўтарилган. Боғларнинг сояпар дарахтлари, гулзорлари, ҳовузлари ва зилол оқар сувлари гўё жаннат рамзини ифодалайди. Эрон истироҳат боғларида қатъий мунтазам тартибот, симметрия ва уйғунлик мавжуд. Тўғри бурчаклар асосида



3.2.6–расм. Эрон. Кошондаги Боғи Фин саройи ҳовлисининг ландшафти.



3.2.7–расм. Исфажондаги “Чилустун” боғ саройи



3.2.8--расм. Кошондаги Боги Фин саройи ва унинг сув қурилмалари

қурилган боғнинг марказий ўқида бош ва ёнбош хиёбонлар кесишган, марказда боғ саройи ва ҳовуз жойлашган, аксарият боғларда сарой сунъий тепалик устига қурилган, чортараф эса зилол сувга тўла кенг каналлар билан чегараланган. Каналларга бош хиёбон бўйлаб ўтказилган ўқ ариқ келиб қўшилган, ундаги фавворалар ва ҳовузлардан сув тизгини отилиб турган. Ҳовузларга сарой устунлари ва дарахтларнинг акси тушиб турган. Ҳовузлар



3.2.9—расм. Исфахондаги Майдони Шох боз—комплекс



3.2.10—расм. Исфакон. “Шаҳар-боғ”даги Чилустун саройи ва унинг олдидagi сув ва соя уйғунлигига асосланган улкан ҳовуз.


шакли турлича: квадрат ва тўғри тўртбурчакдан хоч шаклигача, олти ва саккиз қиррадан мураккаб гулчаноққача кўринишларда бўлган. Қияликда жойлашган боғлар поғоналарга бўлиниб, сув юқоридан пастга шаршара бўлиб оққан, ҳовузлар ва каналлар мрамрдан, зиналар эса тошдан ишланиб, айрим ҳолларда асосий ҳовузлар мовий рангли кошнлар билан безалган.

Бош хиёбонлар ва сайргоҳлар билан чегараланган муҳит тўғрибурчакли кичик катакларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирида алоҳида навли мевали дарахтлар (ўрик, анор, писта, бодом, анжир, олча, олхўри, узум ва ш.ў.) экилган. Уларнинг чегараларига тол, чинор каби манзарали дарахтлар қаторлаб экилган. Дарахтлар ораси ва хиёбонларга гуллар (бинафша, нарғиз, лола, гулхайрилар) экилган. Дарахтлар ичида алоҳида эътиборлиси сарв ҳисобланса, гуллар ичра атиргул эъзозланган.

XVII-XVIII аср Эрон боғ-истироҳатлари ичида Исфакон шаҳри ёнида Зандеруд дарёси бўйида бунёд этилган Хазори Жериб боғи ва Каспий денгизи соҳилида қад кўтарган Эшреф боғлари ва саройларини ҳам эслатиб ўтиш зарур. Эшреф бир неча боғ ва боғ-саройлардан таркиб топиб, улардан асосийлари - Боғи-шоҳ, Боғи-чашма ва Боғи-соҳибзамонлар денгиз соҳили қияликларида поғоналар ва шаршаралар тизимини шакллантирган.

Исфакон шаҳри атрофида каналлар билан суғориладиган мевали боғлар-“бўстон”лар ҳам кўп бўлиб, уларда шафтоли, бодом ва беҳилар ўстирилган. Шоҳ Аббос даврида Каспийга яқин Мозондарон вилоятининг Амол, Барфуруш, Ферихобод, Эшреф ва Сернобод шаҳарларида ҳам кўплаб боғлар қурилган. Амолдаги боғ улкан кипарислари билан машҳур бўлган.

Шерознинг поғонали боғлари. Шероз эса ўзининг поғонасимон истироҳат боғлари билан ажралиб туради. Шаҳардан шарқ тарафда Боғи-Тагуша, Боғи-Жаҳоннамо, Чахил-Бен ва Хафт-тан, шимолий-ғарбда эса Боғи-Тахт жойлашган. Боғи-Тахт 7 поғоналик боғдан ташкил топиб, улардан пастдаги сув ҳавзаси ва артоф муҳитга гўзал манзаралар очилган (3.2.11-расм). Бундай жамоат боғлари Шерозда сўнги ўрта асрларда 20 дан зиёд бўлган. Бу боғларда улкан чинорлар, кипарислар, қорағайлар ўсган.



3.2.11–расм. Эрон. Шероздаги 7 поғонали жаннатмакон Боғи–Тахтнинг сув ҳавзалари ва ландшафт кўриниши.

XVIII аср охирида Техронда ҳам қатор боғлар бунёд этилиб, улар ҳам Эроннинг бошқа боғлари каби анъанавий “чор-боғ” услубида, симметрик мунтазам композицияларда ишланган. Бу боғларда сув ва соя етакчи ўринни эгаллаган.

Қадимги Хитой боғлари. Хитой тадқиқотчиларининг маълумотига кўра, Хитойнинг боғ-паркчилик санъати уч минг йилдан кўпроқ тарихга эга. Эрамизгача XII асрга мансуб бўлган турли ёзма манбаларда Қадимги Хитойнинг илк паркларидан бирини яратган Чеу қироллиги ҳақида гап боради. Чеудан кейинги ҳукмдор Му Уанг эса турли иншоотлари бўлган ҳашамдор ва хушманзара боғларни вайрон қилади. Император Цзин Хи-Хоанг ўзининг 41 йиллик ҳукмронлиги даврида майдони минг гектардан зиёд бўлган улкан истироҳат паркини бунёд этади ва унга қанча қиролликларни забт этган бўлса ўшанча саройлар қурдиради.

Хитойнинг «Қўшиқлар китоби» номли эпосида император Вэн Ванг бунёд этган «Билимлар боғи» ҳақида гапирилади. Эрамизгача 1150 йилда қурилган ушбу боғ майдони 375 гектарни ташкил этган. Ўша китобда император Ши Ханг-Ти бунёд этган улкан парк ҳақида ҳам гапириб, унинг

периметри 120-130 километр эканлиги айтилган. Ушбу сулоладан бўлган император Уанг Ти эрамизгача 197 йилда майдони 3000 гектар келадиган улкан парк бунёд этади. Бироқ, афсуски, Қадимги Хитой паркларининг архитектураси ҳақидаги ишончли маълумотларнинг камёблиги туфайли бу соҳадаги билимларимизни мазкур ўлкаларда тарихан кейинроқ бунёд этилган боғлар ёрдамида тўлдирамиз деган умиддамиз.

Хитой боғларининг диний-фалсафий асослари. Ушбу минтаканинг ўрта аср боғ-паркчилик санъати Ислом мамлакатлари боғчилик санъатидан анча фарқ қилади. Биз юқорида кўрдикки, Ислом мамлакатлари боғ-паркларига мунтазам режали симметрик композицияли ечимлар ўта мосдир. Хитой минтақасида мунтазам режадан фарқли ўлароқ, парк қурилиши ва дизайнининг табиий ландшафт ёки пейзаж услуби кенг ривожланган. Бу эса узок Шарқ халқлари ўрта аср диний фалсафасига, боғлик бўлиб, бу фалсафа ўз навбатида табиат кучларини илоҳийлаштирувчи ибтидоий анимистик (ҳар бир нарсанинг жони, руҳи бор дейувчи) маслаклар билан биргаликда шаклланиб борган. Узок Шарқнинг йирик мамлакатлари - Хитой ва Япониянинг миллий боғлари бу жихатдан алоҳида кизиқарлидир.

Бу мамлакатлар амалиётидаги табиат гўзаллигини мутлоқлаштириш ғояси инсон фаолиятининг табиат қонуниятларига бўйсунисга олиб келган. Узок Шарқнинг ландшафт архитектураси ва боғ-парк усталари ўз ижодларида ушбу тамойилга қадимдан амал қилиб, жонли эркин табиат манзараларини акс эттирувчи миллий боғларни яратган.


Хитой боғ-паркларининг меъморий типологияси ва турлари. Хитойда боғ-паркларнинг олти хил тури мавжуд: император боғлари, император қабрлари қошидаги боғлар, ибодатхона боғлари, табиий пейзажли боғлар, ҳовли боғлари, алломалар (ёки адабиёт) боғлари. Боғларни бундай турларга бўлиш ўта шартли бўлиб, у боғларнинг меъморий композицион жиҳатларига кўра кўпроқ лирик хусусиятларини очиб беради. Боғлар, албатта ўзларининг кўлами, режавий тузилиши, шаҳарлар муҳити ёки табиий муҳитда жойлашишига қараб бир-биридан фарқланади.

Хитой боғларига хос асосий меъморий-ландшафт хусусиятлар. Хитой боғларига хос умумий хусусиятлар мавжудки, буларга кулранг тошли кирғоқли сув ҳавзалари, шундай тошли ишланган «қоялар» композицияси, сув саҳнига деярли текис ёки ёй шаклини олган мўъжаз кўприкчалар, ғишт рангига ўхашаш қизил устунларга ўрнатилган қия томли шийпончалар (павильонлар), узундан-узок, чўзилган соябон (галерия)лар, нафис тўшамали йўлаклар, ғаройиб шаклларга эга экзотик дарахтлар киради. Шу ва шунга ўхашаш муҳим хусусиятлар Хитой манзаравий боғларини беҳато аниқлашга имкон беради. Хитойда атиги бундан уч аср аввал бунёд этилган боғлар ҳам энг қадимги боғларга хос анъаналар асосида қурилгандир.

Хитойдаги энг машҳур ва улкан боғлар - бу император боғларидир. Бу боғларнинг эркин режавий ечимлари, тўғри бурчакли ҳовлилар занжирини ташкил қилган қатъий симметрик композицияли сарой бинолари билан қоришиб кетган. Бундай занжир қатор ҳовлилар ўз навбатида нафис ишлов


берилган табиат ландшафтидаги кўл ва қирликлар қучоғига уйғунлашиб кетган. Боғ ландшафтининг энг жозибадор сунъий элементлари ҳисобланган қавариқ кўприклар, одатда ёрқин қизил, ям-яшил, сариқ ва бошқа рангларга бўялган шийпонлар билан жонлантирилган.

Пекиндаги Император боғ-саройлари ва парклари. Ихэюан боғ-парк ансамбли. Император парклари қурилишининг йирик маркази Пекин ҳисобланади. Бу ерда ички шаҳарнинг ғарбий деворлари ортида жойлашган Бейхай, Чжунхай ва Нонхай кўлларида XII асрда қурилган император парклари ястаниб ётган. Бу парклар шаҳарнинг Гугун император саройи ва ундан шимолроқдаги гўзал кўринишли Цзиншаннинг сунъий қирликлари ва Пекин шаҳрининг тўққиз километрлик катта ўқи бўйлаб жойлашган бошқа бинолардан иборат ландшафт композициясининг муҳим таркибий қисмларини ташкил этган. Бу ерда меъморий геометризм моҳирона ишланган сунъий манзаравий композициялар билан ўта уйғунлашиб кетган (3.6.1-расм).



3.6.1–расм. Хитой император боғларининг намунаси.
Император саройи ва боғ аксанометрияси.

Император боғларининг кўпчилиги XVII-XVIII асрларда Пекин шаҳрига яқин жойларда, асосан, шимолий ва ғарбий томонларда жойлашган. Бу боғларнинг кўпчилиги сақланмаган, улардан энг йириги Юанминюан эса қисман сақланган холос. Бизгача яхши ҳолатда сақланган император боғларидан бири - бу шаҳар олди боғ-парк ансамбли - Ихэюан ёзги саройидир (3.6.2-расм). У 330 гектар жойни эгаллаган. Ихэюан боғ-парк ансамблининг композицион марказини бу паркда сунъий тарзда яратилган улкан Кунминху кўли ташкил қилади. Унинг сув юзаси 250 гектардан зиёд ва бир нечта ороллар ва бандлардан иборат.



3.6.2–расм. Пекин шаҳри ёнида жойлашган Ихэюан император-ансамблининг боғ тарҳи.



3.6.3–расм. Хитой боғ-паркларида хос пейзажлар:

1–2–Алломалар боғларига мисоллар; 3–4–Ихэюань паркининг кўриниши ва пейзажи

Хитой Венецияси. Сучжоу шаҳрининг “Алломалар” ёки “Адабиёт” боғлари. Хитой боғ-паркларида хос фалсафий ғоя кўпроқ “алломалар” ёки “адабиёт боғлари” деб аталадиган мўжаз манзаравий боғларда ўз аксини топган. Ана шундай боғлар билан Шанхай яқинидаги Сучжоу шаҳри районлари машҳурдир. Сучжоу боғларида (уларнинг сони ҳозир 60 дан зиёд) император паркларидаги каби расмий дабдабазлик йўқ. Бу боғлар хилватда хордиқ чиқариб дам олиш, ўйга чўмиш, ақл-заковат, яъни тафаккур билан шуғулланиш

учун яратилган (2.4.3–расм, 1–2). Шу боисдан улар “алломалар” ёки “адабиёт боғлари” деб номланган. Бундай боғларга хос элементларни баланд қавариқ кўприкли унча катта бўлмаган кўллар, сопол томли шийпонлар, пагодалар, табиий тошлардан шаклланган композициялар ташкил қилади. Яшаш хоналарининг давоми ҳисобланган ва буткул ташқи дунёдан тўсилган бу мўъжаз боғлар ўзида ҳаловат дунёсини, осойишталик ва табиат гўзаллигини мужассам этган.

Сучжоу шаҳри парклари ва каналларининг кўплигидан “Хитойнинг Венецияси” деб ҳам ном олган.

Сучжоунинг тарихий мўъжаз боғлари - Лююан («Сокин ўтган вақт»), Ваншиюан («Тўрлар устаси боғи»), Чжо-ужэнюан («Камтарин маъмурнинг боғи») ва бошқалар XVI–XVII асрлардан ёки яна ҳам аввалги даврлардан бери мавжуддир.

Хитойликларнинг ўрта асрлар боғ-парк иншоотлари архитектураси ва дизайнини, яъни кўприklar, дарвозалар, очиқ муҳитдаги ҳайкаллар яратишдек юқори малакасини ҳам алоҳида эътироф этиш зарурдир. Жумладан, Пекин яқинидаги Мин сулоласи хилхонасининг йўли одамлар ва ҳайвонларнинг қатор тузилган ҳусункор ҳайкаллари билан безатилиб, кўп устунли оралиқли дарвозалар билан якунланган. Парклар ва сарой ансамбллари тизимига кирган елкасига ясси тош кўтарган тошбақаларга ўхшаш «аждар болалари»нинг ҳайкаллари, шерларнинг стиллаштирилган шакллари, нақшинкор устунлар ва тўсиқлар ажиб ва мўъжизакордир. Айниқса, паркларнинг энг муҳим томошагоҳ композициявий нуқталарига жойлаштирилган шийпонлар ва кўприklar ўта моҳирона ва ўзига хос тарзда ишланган. Табиат ландшафти қучоғида сунъий иншоотларни лойиҳалашнинг замонавий тимсолига Буюк Хитой деворини ҳам мисол келтириш мумкин, чунки бу девор ўзи жойлашган табиат манзарасига худди узукка қўйилган гавҳардек мос тушган.

Япон боғининг мантикий ва диний философияси. Япония боғ-парк санъатининг ғоявий фалсафий асосларини чуқурроқ тушунмоқ учун бу мамлакатнинг ўзига хос географияси ва табиий–иқлим шароитларига ҳамда япон халқининг диний ва дунёвий тафаккурига назар солмоқ керак. Тоғу-тошлар, қоялар, шаршаралар, кўллар, денгизлар табиий ирмоқлар, Японияга хос ўсимлик ва сув дунёси, яъни она табиат қандай яратилган бўлса японлар уларни ўз боғларида шундай мазмунда, фақат кичиклаштирилган ва рамзийлаштирилган шаклларда кўришга одатланганлар. Япония дини–дзен-буддизм ва синтоизм ҳам япон халқини айнан ана шунга, яъни она табиат гўзаллигини яхлит ҳолда кўра билишга, уни севишга, унинг элементлари орасидаги мутаносибликни сезиш, уни тушуниш ва тўлиқ хис қилишга ундайди. Бу уларнинг турмушини гўзал, ҳаётга иштиёқини мустаҳкам, руҳини қувноқ, дилини бахтиёр қилади, деб тушунтиради. Бу эса бизга япон боғларига хос рамзийликни, мазмунлиликни, анъанавийликни тушунишга ёрдам беради. Демак, Япония миллий боғларининг услубияти японларнинг она табиати, миллий мафкураси ва диний дунёқарашларидан келиб чиқади.

Япон боғларининг асосий сифатлари ва белгилари. Япон боғларида символизм (тимсоллик) рамзи. Дзен-буддизм она табиатни инсон ўзининг барча сезиш органлари билан, яъни нафақат кўриб ва ушлаб, балки ҳидлаб, эшитиб ва таъмини тотиб ҳам ўрганишга ундайди. Фақат шундагина инсон она табиатни яхши тушунади, сезади ва севади.

Она табиатдаги тоғу-тошлар, қоялар, шаршара, ирмоқларнинг, дарахт ва ўсимликларнинг, ҳавзаларнинг моделлаштирилган кўринишлари японларнинг жону-дили. Улар ўз боғларини ана шуларсиз, ўзларини эса боғларсиз тасаввур этолмайди. Бу япон боғларига хос энг биринчи ва асосий омилидир. Иккинчиси бу жонли табиатнинг ушбу таркибий элементлари табиатда қандай мутаносибликда бўлса, боғларда ҳам шундай ҳолатларда тимсоллаштирилиши шарт (3.6.5-расм). Японияда инсон жонли табиатнинг бир қисми, унинг ташқарисидан эмас, ичидан жой олган уйғун организми ҳисобланади. Шу боисдан ҳам японлар табиатни эгаллашга эмас, балки ҳар доим у билан уйғунлашишга ҳаракат қилади. Табиатга мавсумийлик, вақтга кўра доимий ҳаракатчанлик тушунчалари хос. Бу тушунчалар ҳам япон боғларида ўз аксини топган. Дарахт ва буталар, уларнинг гуллари ва мевалари мавсумийликни билдирса, тош ва қирлар доимийликнинг, япон тоғларининг рамзидир. Ўсимликлар ҳаёти ва сув оқими эса вақт ва ҳаракат рамзидир. Анъанавий япон боғларига хос яна бир нарса-бу очиқ ва ёпиқ яшил муҳитлар контрастидир.

Бунинг маъноси шулки, японлар боғларини табиат элементлари (тошлар, қирлар, ўсимликлар, сувлар) билан тўлдирилиб ташлаш эмас, балки очиқ муҳитлар ва уларда турган табиий урғулар орқали ҳам тасвирлашни ёқтиришади. Боғларнинг олдинги, ўрталик ва орқа манзаралари бўлишлиги ва уларни сайр йўлакларидан кўриш имкониятининг яратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Агар Хитойда боғлар мавжуд табиатнинг хусункор жойларини янада такомиллатириш, уларга бадий-эстетик ишлов бериш орқали яратилса, япон боғ-паркчилик санъати табиат дунёсини олдиндан ўйланиб белгаланган кичик миқёсларда аслига ўхшатиб ифодалашга асослангандир. Хитойга жуда қадим замонлардан маълум бўлган дарахтлар турини мўъжаз кўринишларда ўстириш санъатининг ғаройиб тажрибаларига айнан Японияда эришилган. «Бан-сай» деб ном олган бу санъат дарахтларнинг кўпгина турларини, жумладан, анъанавий - япон олчаси - сакурани ҳам миниатюрвий кўринишларда яратишга имкон берган (3.6.4-расм).



3.6.4–расм. Дарахтларга мўжаз кўринишлар бериш–“Бансай санъати”



3.6.5–расм. Худуди унча катта бўлмаган богларда Япония табиатида хос миниатюралаштирилган кўринишларнинг акс эттирилиши. Юқори ва пастдаги расмларда Япония табиий шаршаралари, ўртадаги расмда эса паст-баланд тошлоқ ҳовли боглари акс эттирилган.

Японияда ҳам боғлар дастлаб ўрта аср феодал давлатларидаги каби задагонлар саройлари, ибодатхоналар ва монастирлар қошида яратила бошлаган. Ҳозиргача сақланиб қолган япон боғлари бу ердаги қадимий боғ-

парк санаџининг кўп асрлик миллий анъаналари асосида вужудга келган. Япония боғ-парк санаџининг йирик маркази давлатнинг қадим пойтахти Киото ҳисобланади. Бу ердаги саройлар қошида қурилиши XIV-XV асрлардан, эҳтимол ундан ҳам аввалроқ, бошланган ва ҳозиргача ўзининг асосий композицион тамойилларини сақлаб қолган манзаравий боғлар жойлашган. Улар орасида Дзито-дзи (Кумуш кўшкли боғ), Кинкаку-дзи (Олтин кўшкли боғ), Сайхо-дзи (Мох босган боғ) ҳамда Реан-дзи монастыр боғидаги машҳур «тошлоқ боғ» кенг танилган. Айниқса, Реан-дзидаги «тошлоқ боғ» тўлиғича Японча композицияга эга. Манзаравий боғда ўрнашган монастыр хужралари олдида сатхи 12х25 метрлик текис майдон жойлашган бўлиб, унга қум аралаштирилган майда шағал тўшалган. Шағал устида йирик табиий тошларнинг бир неча гуруҳи жойлаштирилиб, у гўё денгиз тимсолини берган ва қуруқ пейзажли жозибатор композиция ҳосил қилинган (3.6.6-расм).



**3.6.6–
расм.**
Киот
о.
Реан
–дзи
мона
стир
ининг
тошл
оқ
боғи.

А

йти
шла
рича
,
ушб
у боғ

Дзен буддизмининг фалсафий рамзи ҳисобланаркан. Япон олимлари боғнинг илк асосланиш даврини аниқлашга қийналиб, уни XIV-XVII асрларга боғлайдилар. Ҳарқалай Реан-дзи тошлоқ боғи ушбу услубда яратилган боғ композицияларининг энг қадимгиларидан бири ҳисобланиб келинмоқда.

Умуман Реан-дзи монастыр боғининг режаси япон боғининг муайян хусусиятини аниқлашга, уни худди ўшандай табиатга муносабат фалсафасига асосланган Хитой боғларидан фарқлашга имкон беради. Японияда боғ йиғноқ, одатда, симметрик тузилган бинолар гуруҳи атрофида шакллантирилган. Хитой боғлари таркибига эса бир ўқ бўйлаб жойлашган, одатда, ички ҳовлили симметрик бинолар гуруҳи кўшилган. Хитой боғларида энг жозибатор асосий манзарали нуқталар шийпонлар, дарвозалар, гўзал ой шаклидаги айланасимон эшиклар билан безатилади. Япон боғларидаги мафтункор манзаралар, боғ кўринишлари ўзгаруви, доимий бўлмай, улар махсус сайргоҳ йўллари бўйлаб

лойихаланади. Бу хусусият, айниқса Хейян-дзингу (Хейян-Киото шахрининг эски номи) монастыр боғида ёрқин ифодаланган.

Японияда ўрта аср феодал даврига мансуб император боғлари ва монастырлар қошидаги манзаравий боғлардан ташкари тураржойлар қошида ҳам мўъжаз боғлар яратиш санъати кенг тарқалган. Бундай боғлар айрим ҳолларда, хатто, бир неча квадрат метр жойни эгаллайди ҳолос. Бироқ, бундай боғчаларда япон боғининг зарур элементлари—мўъжаз табиий кўринишли ҳавзалар, «ёввойи» тошлоқлар, тош чироғлар, пагода, дарахтлар, йўлаклар, гуллар мавжуд. Киотоликларнинг анъанасига кўра ана шундай мўъжаз ҳовли боғларининг уч хил тури мавжуд; «ке» -ички рўзғор эҳтиёжлари учун мўлжалланган боғ; «ҳаре» - анъанавий рамзий маросимлар ўтказишга хизмат қилувчи боғ; «суки»—фақат эстетик функцияларга мўлжалланган нафосат боғларидир (3.6.7—расм). Айрим ҳолларда бир боғнинг ўзида «ке» ва «ҳаре» ёки «ҳаре» ва «суки» функциялари мужассамлантирилган. Эҳтимол, айнан ушбу мужассамликдан XVI асрда японларнинг махсус чой маросимига бағишланган миллий боғлари вужудга келгандир.





3.6.7–расм. Япония ҳовли боғларининг ландшафт кўринишлари

Таъкидлаш керакки, япон боғларига фавворалар деярли хос эмас, бироқ аксарият Япон боғларини шаршара ва ирмоқларсиз тассавур қилиб бўлмайди.

Сайр йўлаклари бўйлаб боғ сценариялари (манзаралари)нинг доимий ўзгариб туриши мураккаб композицион тузилишли катта боғларига хос асосий аломатдир. Кенг боғ масканлари узра сайр қилиш, унда она табиатнинг жонли рамзлари-қирлар, кўллар, шалолалар, оролчалар, қирғоқ, қоя, ирмоқ ва яшил дунёни томоша қилиш, яқин ва узоқ манзаралардаги табиат урғуларига разм солмоқ ва, умуман, инсон ва табиат уйғунлиги, ҳамоҳанглигига эришмоқ бундай боғларнинг асосий функцияси ва ғоявий мазмунидир.

Бутун дунё боғ-парк тажрибаларидан келиб чиқиб, бугунги кунда Япония шаҳарларида ҳам оммавий фойдаланишга мўлжалланган парклар ва боғлар яратила бошланди. Бироқ, бу боғлар биз Европа ва Россия шаҳарларида кўришга одатланган маданият ва истироҳат боғларидек катта боғлар эмас. Япониянинг Токио, Киото ва бошқа шаҳарларида пиёдалар кўчалари муҳитини, биноларнинг ташқи деворларига туташган тротуарларни, биноларга кириш жойларини контейнер қутиларга экилган тувак гуллар ва бошқа манзаравий ўсимликлар билан фаол тарзда кўкаламзорлаштириш тажрибалари тўпланган.

Ҳажми унчалик катта бўлмаган бундай нуфузли масканлар микроклимига контейнер ўсимликларининг таъсири анча катта. Бу ўсимликлар нафақат атроф муҳит ҳавосини тозалаши ва уни кислород билан бойитиши, балки унга табиий гўзаллик баҳшида этиши билан ҳам муҳимдир.

Японияда замонавий тураржой масканларини кўкаламзорлаштиришнинг ўзига хос шакли сифатида яна хусусий уйлар таркибида яратилаётган мўъжаз

боғларни кўрсатиш мумкин. Яшаш муҳити билан уйғунлашиб кетган бу мўъжаз боғларда киши ўзини гўёки уйда эмас, балки ташқарида, очик муҳитда юргандек ҳис қилади. Табиийки, бундай мўъжаз боғлар махсус лойиҳаланган хусусий тураржойлар таркибида яратилган. Бундай боғларда японлар миллий чой ичиш маросимини ўтказишни ёктиришади ва шу боисдан улар айрим ҳолларда “Чой боғлари” деб аталади.

Япония боғларида ўсадиган ўсимликлар ичида доим яшил манзаравий ўсимликлар етакчи ўринни эгаллайди. Улар сафида энг анъанавий дарахтлар ва буталардан япон қарағайи, япон клени, камелия, азалия, магнолия, япон олчаси, сакура, олхўри, бамбук, сафора ва бересклетларни кўрсатиш мумкин.

Японларнинг тушунишича, ўсимлик дунёсининг “тўрт зийнати”ни хризантема, олхўри, орхидея ва бамбуклар ташкил қилади. Сув ҳавзалари лотос гуллари, уларнинг қирғоқлари эса ирислар билан безатилади. Гул ўсимлилари жуда кам, айрим ҳолларда умуман қўлланилмайди. Япония ҳовли боғларида банан дарахтини экиш ҳам одат тусига кирган. Майса ўрнига ер ёпар ўсимликлар кенг қўлланилади. Унча катта бўлмаган замонавий шаҳар боғларида дарахтларга бондаж ёрдамида турли хил ғаройиб сунъий шакллар буриш ҳам анъанавий тусга кирган.


Япония боғларида, юқорида таъкидлаганимиздек, сув турли шаклларда: кўл, ҳавза, ирмоқ ёки шаршаралар кўринишида учрайди. Бироқ, Японияда сувсиз боғлар ҳам мавжуд.

Япония замонавий боғ–парк санъатининг ана шундай муҳим анъанавий миллий кўринишларидан бири–бу “тошлоқ боғлар” ёки “қуруқ пейзажли боғлар” дир. Бу йўналиш Японияда қадимдан анъана ҳисобланиб, ҳозирга қадар ҳам давом этириб келмоқда.

Бундай боғларда тошлар, майда шағал, қум, мох, тош чироқлар аломатли элементлардир. “Қуруқ” боғларда шағал ёки қум ёрдамида табиий ирмоқ сунъий кўринишга келтирилиб, у “оқар” сувга тақлид қилинади, яъни айнан ўхшатилади. Тошлоқ ёки қуруқ боғларнинг келиб чиқиши япон дини дзен-буддизмнинг дунёвий ғояларига асосланиб, бу боғларда тошлар, одатда, буддизм учлигига тақлид қилиниб алоҳида гуруҳларда учтадан жойлаштирилади. Тошлоқ боғлар кишини дунёвий ташвишлари ва турмуш тараддудларидан ҳоли қилмоқ, хилватга чекинмоқ ва миллий медитациялар учун мўлжалланган. Бундай боғлар ғояси оддий табиат гўзаллигини ҳис қилиш ва у билан уйғунлашишдан иборатдир.

Тошлар Японияда нафақат “тошлоқ боғлар”нинг, балки умуман япон боғлари, ибодатхоналар қошидаги ва жамоат боғлари, хусусий тураржой ва жамоат бинолари таркибидаги боғларнинг ҳам энг муҳим таркибий аломатларидир. Бошқача айтадиган бўлсак, япон боғларини умуман тошларсиз тасаввур қилиб бўлмайди (3.6.8; 3.6.9; 3.6.10; 3.6.11–расмлар).


Япон боғи монохромли ёки полихромли рангларда бўлади. Тошлоқ боғлар ёки қуруқ пейзажли боғлар монохромли боғларга кирса, пейзажли ёки манзарали боғлар полихромли боғларга киради.



3.6.8–расм. Япония тошлоқ боғларида қўлланиладиган тошлар ва улардан тузилган композициялар



3.6.9–расм. Япон боғларида дарахтсимон ўсимликлар ва тошлардан тузилган композициялар



3.6.10-расм. Япония тошлоқ боғининг схемаси. Тарҳи, аксонометрияси ва тошлар тури




3.6.11-расм. Япон боғи шаршарасининг схемаси: А-асосий тик шаршара тоши, Б,В- ёнбош тошлар; Г-сув оқимини бўлувчи тош, Д, Е-шаршара этаги ва ҳовузининг тоши; К-шаршара суви ва тўлқинларини ажратувчи тош

Рельефининг ҳолатига кўра япон боғлари уч хил: қирлик, ясси ва паст-баланд боғларга бўлинади. **Ясси боғлар** саҳни текис бўлиб, уларнинг юзи майда шағал ёки қумдан, бир нечта тошдан ва мохдан, айрим ҳолларда дарахтлардан иборат бўлади. Бундай боғларга, биринчи навбатда тошлоқ ёки қуруқ пейзажли боғлар киради. Бундай боғларнинг тарихий прототиби Киото шаҳридаги Реан дзи боғидир.

Қирлик боғларга қирнинг мавжудлиги хосдир. У одатда сув ҳавзаси, шаршара ва сув оқими, ирмоқ билан тўлдирилади. Бундай боғлар ҳам тош ва дарахтдан холи эмас (3.6.12-расм).



Паст-баланд боғлар саҳни, одатда, ўнқир-чўнқир бўлиб, улар Япония тоғлик минтақаларининг мўъжаз моделини ўзида рамзий маънода акс эттиради. Кичикроқ кўл, оролча, тошлоқ қирғоқ, тош чироқлар, тош кўприк ва сув устидаги тош йўлаклар бундай боғларга хос аломатлардир. Бу боғлар ҳам ўсимликлардан холи эмас.

Композицион тузилишининг ҳолати ва таркибий элементларига кўра юқоридаги ҳар уччала боғ ҳам тўлиқ шаклда -“син”, яримқисқарган-“со” ва қисқарган -“ге” шаклларида яратилиши мумкин.



3.6.12-расм. Япон боғларининг рельефига кўра умумий схематик кўриниши:
а- ясси боғ; б-қирлик боғ

Япон боғларидаги тўшамалар ва йўлакларнинг шакллари, материали ва ранглари ҳам хилма-хил: квадрат, тўғри тўртбурчакли айлана ва бошқа шаклларда. Умуман Япон боғлари ва паркларига маҳаллий шарт-шароитлар ва удумларнинг таъсири катта. Шунинг учун ҳам уларнинг ўлчамлари, меъморий-режавий ечимлари ва функцияларида турлича. Ҳозирги вақтда Японияда миллий ландшафт паркларини ташкил қилишнинг тамойиллари ишлаб чиқилган. Уларга кўра ранглар, шакллар, материаллар фактураси, масштаби ва ҳажмий композициялар контрастидан фойдаланиш боғ-парк санъатида энг самарали йўналиш эканлиги кўзда тутилган (3.6.13-расм). Шарқ мамлакатлари боғ-парк санъатига бугунги кунда ҳам қизиқиш сусайган эмас, зеро уларда яширинган сирли фалсафий мушоҳадалар ва табиатга бўлган муносабат киши эътиборини ўзига жалб қилмасдан қолмайди.



3.6.13-расм. Япония боғларига хос ландшафт кўринишлар.

Назорат саволлари.

1. Оссурия ва Бобил боғларининг шаклланишига қандай омиллар таъсир қилган?
2. Қадимги Эрон ва Туронда Чорбоғ услубининг шаклланишини айтиб беринг?
3. Эрон ва ислом мамлакатларининг ўрта асрлардаги боғ-парклари қандай бўлган ва уларни тавсифлаб беринг?
4. Хитой боғлари қандай ғояларга ва тафаккурга асосланиб яратилган?
5. Хитойда бизгача сақланган қандай боғларни биласиз? Уларнинг функционал таснифини келтиринг?
6. Хитой боғ-паркларини жойлашиши бўйича қандай турларга бўлиш мумкин?
7. Хитой боғларининг меъморий-ландшафт тамойилларини тушунтиринг.
8. Нима учун Сучжоу шаҳри “Хитой Венецияси” деб аталади?
9. Япония боғчилик санъатининг фалсафий асосларини изоҳланг.
10. Япония боғ-паркларининг турлари ва хилларини ёритиб беринг.
11. Япония боғ-паркларига хос хусусиятларни таърифланг.
12. Тошлоқ боғларнинг ландшафт тузилиши, вазифаси ва моҳиятини ёритиб беринг.

3.3.МАВЗУ. ЎРТА АСРНИНГ БОҒДОРЧИЛИК ВА БОҒ-ПАРК САНЪАТИ

Режа:


1. Европанинг қалъа ва монастыр боғлари.
2. Испаниянинг Кардова, Толедо, Севиля ва Гранада шаҳарларидаги мавритан боғлари.
3. Италиянинг Уйғониш давридаги боғдорчилик ва парк санъати.

Европанинг қалъа ва монастыр боғлари. Тўрт асрдан зиёд ҳукм сурган Рим империясининг емирилишидан сўнг Европа ўрта асрлар даврида (V асрдан то Европа Уйғониш давригача бўлган давр) бошланади. Европаликларга мажбурий бўлган христиан дини ҳукмронлик қилган бу даврда Черков догмаси ҳар қандай инсон тафаккуридан, шу жумладан, боғ-парк санъати маънавиятидан ҳам устун турарди. Европадаги ўзаро урушлар ҳам боғ-парк санъатининг жадал ривожланишига имкон бермади. Шу сабабдан ўрта асрларга келиб Европада, хусусан Ғарбий Европа мамлакатларидаги боғлар сони ва уларнинг ўлчамлари антик боғларга нисбатан анча қисқаради. Айни пайтда уларнинг вазифалари ҳам ўзгарди. Аввалги манзаравий, сайргоҳ боғлар бу даврда ўта камёб бўлиб, уларнинг майдонлари ўрта аср феодаллари қасрларининг улкан деворлари исканжасидаги мўъжазгина саҳнларга тушиб қолди. Бу боғлар ҳам кўп ҳолларда асосан мевазор ва доривор ўсимликлар етиштириш мақсадида фойдаланилди.


Афсуски, ҳақиқий ўрта аср Европа боғлари бизгача тўлиқ сақланмаган. Бирок, уларнинг айримлари тарихий расмлар ва ёзувлар орқали қайта тикланган. Бу боғлар ўрта аср сарой қалъа деворлари ва иморатлари орасидаги чўзинчоқ тор майдонларни эгаллаган. 3.3.1–расмда Франциядаги Амбуаз қалъаси ва унинг таркибидаги мўъжаз боғ тарҳи келтирилган.

Қалъа–саройлар қошидаги бундай боғлар одатда сунъий асосга эга бўлиб, босилган тупроққа қурилган. Қалъа боғлари мунтазам режада ишланиб уларда фойдали экинлар зонасидан ташқари “кўнгил очиш” ёки “жаннат боғлари” зоналари ҳам бўлган.

Ўрта аср Европа боғлари ҳақидаги маълумотлар Бокаччонинг “Декамерон”и ва Чосернинг “Атиргул ҳақида роман”ида ҳам мавжуд (3.3.2–расм).



3.3.1–расм. Франциядаги Амбуаз қалъасининг боғи. (XVI аср). 1- ибодатхона (черков); 2-боғ.



3.2-
расм

·
Кўн
ил
очи
ш
боғи
·
Чосе
рни
нг
“Ат
иргу
л
ҳақи
даги
ром
ан”и
га
ишл

анган миниатюра



Қалъа саройлар таркибига кирган боғлардан ташқари Европада ўрта аср черковлари ва монастирлари қошидаги ҳовли боғлар ҳам кенг тарқалган. Монастир ва черковларга хос ҳаёт тарзининг доимийлик хусусиятлари бу боғларнинг кўринишлари ва вазифаларини ўзгармаган ҳолда сақлаб қолишга шароит туғдирган.



3.3.3–расм. Флоренция. Сан–Лоренцо монастирининг боғи.



3.3.4–расм. “Вертоград махбусининг онаси” номли иконага ишланган боғ тасвири. 1960 йил. Ўрта аср рус боғлари акс эттирилган энг яхши икона намунаси.



Монастирдаги боғлар одатда бир нечта бўлиб, вазифасига кўра мевазор,
3.3.5–расм. Клуатр боғлари: 1–Римдаги Сан Жован иботхонасининг клуатри;
 2–Флоренциядаги Тарбия уйи ҳовлисининг клуатри.


полизор, узумзор, черков хизмати учун гулзор ҳамда доривор ўсимликлар боғларига бўлинган. Улар одатда квадрат ёки тўғри тўртбурчак шакллардаги ҳовлиларда мунтазам режавий ечимларда ишлаган. Франция, Италия ва Англиядаги кўпчилик ўрта аср монастырларида худди шундай анъанавий ечимларда ишланган ҳовли боғлари сақланиб қолган. Квадрат ҳовли марказида, кўндаланг йўлаклар ўзаро кесишган жойда қудуқ ёки катта бир мевали дарахт, жанубий туманларда эса апельсин дарахтини жойлаштириш анъанаси кенг тарқалган. Италияда ўрта асрларга келиб бундай монастыр ҳовли боғларини учратиш ҳатто “типовой” услубга айланиб қолган. Улар, айниқса, ноябр-декабр ойларида, апельсинларнинг пишиб етилиши даврида жуда самарали кўринишлар олган. Ҳовли боғларини чор атрофдан қатор равоқлар галереяси ўраб турган (3.3.5–расм).

Католик монастырлар ҳовлисидаги бундай мўъжаз боғларнинг тўрт тарафи ёпиқ бўлгани учун уларни **клуатр**, яъни ёпиқ ҳовли боғи деб аташган. Тарҳи квадрат ёки тўғри тўртбурчак бўлган бундай клуатрлар четлари тувакларга экилган чиройли гуллар билан безатилган.

Айрим ўрта аср ибодатхоналари ва монастырларининг полларига художўйларнинг эмаклуб, тиззалаган ҳолатда ҳаракатланиши учун мозаика кўринишидаги мураккаб йўлаклар–**лабиринт**лар ишланган. Лабиринтлар дастлаб худога интилиш йўлидаги азоб-укубатлар ва шайтонга қарши курашиш ҳаракатларини билдирувчи рамзий маънога эга бўлган. Черковларга келган художўйлар кишини адаштирувчи ушбу мураккаб йўлни босиб ўтиши лозим бўлган.

Лабиринт йўлаклари кейинчалик ўрта аср боғларига кўчирилиб, уларда доим яшил ўсимликлар (граб, липа, лавр, тис)дан қирқилиб ишланган яшил деворли узун коридорлар шаклини олган (3.3.6-расм.). Лабиринт боғга

кирганлар ушбу коридорлар бўйлаб сайр қилишган. Бу сайр дастлаб мароқли, кеч тушгач ташвишли, оқшомга қолганлар учун эса кўрқинчли ўтган.



3.3.6–расм. Лабиринтнинг умумий кўриниши

Маълумки, ўрта асрлар ҳунармандчилик санъатининг энг тараққий топган даври ҳисобланади. Бу даврда анъанавий ҳунармандчиликдан ташқари манзаравий ўсимликларни етиштириш, боғ–парк элементлари–фавворалар, ўриндиклар, кошинкорий тўшамалар, ўта нафис безаклар беришда яхши натижаларга эришган боғдорчилик санъати ҳам ривож топади.

Ўрта асрларда Ғарбий Европа шаҳарлари ташқаридан баланд текис деворлар, миноралар, чуқур зовурлар билан айлантирилган метиндек мустаҳкам кўринишда бўлган. Ўрта аср Ғарбий Европа боғларининг мўъжазлиги шаҳарларнинг кескин чегараланган бошқа очик майдонлари билан мослашиб кетган.

Ўрта аср бадийий маданиятида, жумладан Шарқий Европа ҳудудини эгаллаган Қадимги Рус ландшафт архитектурасида эса ўзгача ғоялар мавжуд эди. Бу ерда Ғарбдан фарқ қилувчи ижтимоий ҳаёт тарзи ўзига хос яшаш тизимини вужудга келтиради. Ғарбда тигиз мустаҳкам шаҳарлар билан бирга феодалларнинг қалъалари ва қишлоқлар мавжуд эди. Русда эса фақат шаҳарларгина ана шундай истехкомларга эга эди. Европалаги қалъалар ўрнини Россияда қишлоқ хўжалик ўсимликлари билан ўраб олинган кўрғонлар (усадьбалар) эгаллаганди.

Монастир боғларида қадимдан ҳам хўжалик ва манзаравий функциялар муштарак бўлган. Боғлар монастир ҳовлисининг 25–30 фоиз ҳудудини

эгаллаган. Мевали дарахтлар, полизлар, резали мевазорлар, балиқ ўстириш ҳавзалари боғларнинг ажралмас элементлари бўлган.

Испанияда Араб–Мавритан халифалиги даври. Араблар миллодий 711-718 йилларда Испаниянинг деярли ҳамма жойини босиб олиб, 756 йили мустақил давлат–Кордова амирлигини, 929 йилда эса Кордова халифалигини, яъни Мавритан давлатини туздилар. Кейинроқ (X-XIV асрларда) араблар Испаниянинг Кордова, Гранада, Севиля шаҳарларида амирликка хос мустаҳкам истехком-қаср ва саройлар, уларнинг қошида эса гўзал боғ-роғлар бунёд этадилар. Бунинг учун эса Испаниянинг Серра-Невада тоғ тизмаларидаги эриган қор сувларини улкан ер ости ҳовузларига йиғиб, усти ёпиқ катта каналлар–“асеки” ва акведуклар тизими орқали пастга, боғ ва сарой ҳовлиларига қараб сув келтиради.

Испаниянинг Кордова, Толедо, Севиля ва Гранада шаҳарларидаги мавритан боғлари. Араблар VIII асрдан то XV асргача Испанияда кенг бунёдкорлик ишлари билан шуғулланади. Ана шундай ишлар қаторига арабларнинг Испанияда амалга оширган кенг суғориш иншоотлари, такомиллашган сув таъминоти тизимлари, исломий боғ-парк санъати ва маданиятининг гўзал намуналарини мамлакатга олиб кириш ва жорий қилиш, уларни асрлар давомида ўзлари қурган саройлар, қасрлар, қалъалар ҳамда Испания иқлими ва табиати билан ҳамоҳангликда ривожлантириб бориш ҳам киради. Испаниядаги сўнги араб давлати – бу Гранада (арабча Ғарнота) амирлигидир. У 1238 йилда ташкил этилиб, то 1492 йилгача ҳукм сурган. Айнан шу шаҳарда ва Севиляда араблар қурган қаср ва саройлар, боғ-роғлар бизгача сақланиб, етиб келган. Испаниядаги ўрта асрлар Мавритан боғ-парк санъатини Гранаданинг Генералиф (арабча “Жин ал-Ариф”, яъни “Меъморий боғ” дегани) ва унга яқин жойлашган Альгамбра (“Қизил уй”) боғ–сарой ансамбллари орқали ўрганиш мумкин.

Араблар Испанияни босиб олган дастлабки даврларда ва сўнгра ўзлари қурган уй-жойларнинг ички ҳовлиларида Европа адабиётларида “патио” деб аталадиган испан-мавритан боғини шакллантирадилар. Ҳовли ва яшаш хоналари деворлари билан айлантирилган бу мўъжаз боғда фаввора, ҳовузча, шалола, ариқ ва боғ мебелли каби элементлардан ташқари, айрим ҳолларда атиргул, шиповник ва мирт ўсимликлари бўлган. Патио асосан тинч дам олиш ва оила билан очиқ ҳавода хордиқ чиқариш учун мўлжалланган.

Ана шундай мўъжаз “патио” боғлари кейинчалик Гранададаги Альгамбра ва Генералиф қаср-сарой ансамбллариининг ички ҳовлилари ва атрофида ҳам ташкил этила бошланади ва “меъморий боғ”ларга айланади.



Гранададаги Алгамбра ва Генералиф боғлари. Генералиф ва Альгамбра сарой-боғлари Испанияда ҳукумронлик қилган араб амирларининг ёзги резиденцияси (истиқомат ва дам олиш) масканлари ҳисобланган. Улар Гранадада XII асрдан бошлаб то XV асргача шакллантирилган.

Альгамбра ва Генералиф қасрларнинг боғлари сатҳи асосан 100-150 кв. м.дан ошмайдиган, бир нечта поғоналарда алоҳида жойлашган, бир-бирига

зинапоялар ва сув каналлари орқали боғланган ҳовли боғларидан иборат (3.3.7–расм).




3.3.7–расм. Гранада шаҳридаги Алгамбра қасрининг умумий кўриниши.



3.3.8–расм. Алгамбра сарой боғларининг тарҳи: 1–сарой; 2–Мирт ҳовли боғи; 3–5–саройга доир хоналар; 4–Шерлар ҳовлиси боғи.

Гранада шаҳрининг Генералиф ва Альгамбра саройларидаги аксари ички ҳовли боғлари шарқона мумтоз «Чорбоғ» услубида тўрт симметрик қисмларга бўлинган ҳолда шакллантирилиб, уларда асосий ўринни ҳовли марказида жойлашган ҳовуз (бассейн) ёки фаввора ва уларга тўрт томондан туташган тоза оқар сувга тўла каналлар ёки ариқлар эгаллайди. Бунда сув марказий фавворадан ташқарига, боғнинг тўрт тарафига ёки аксинча боғнинг тўрт қисмида ёки бурчагида жойлашган мўъжаз фавворачалардан марказга қараб оқиш ҳоллари учрайди. Альгамбранинг Шерлар ҳовлисида айнан шундай, яъни ҳовли бурчакларидаги тўртта фавворачалардан марказга, Шерлар фавворасига сув оқиб келади.

Ҳовли боғлари тарҳда, тўғри тўрт бурчак шаклларда бўлиб, уларнинг архитектураси ҳовлини ўраб турган хоналарнинг деворлари, эшиклари, деразаларидаги нақшлар, кузалган ясси яшил бордюру ва изгородлар ва, энг асосийси, ғаройиб сув иншоотлари- фаввора ва ҳовузчалар шакллариининг ўзаро композициявий уйғунлиги, уларнинг “инсон масштаби”га мутаносиблигидадир (3.3.9–расм, а,б,в).



3.3.9–рasm. Алгамбра қасридаги сарой боғлари: а–боғларга бурканган Алгамбра сарой комплекси, б–Мирт ҳовлиси, в–Шерлар ҳовлиси



3.3.10–рasm. Альгамбра ҳовли боғининг ландшафти.

Альгамбра Шерлар ҳовли боғининг марказида мармардан ишланган 12 та (йилнинг 12 ойи) шер ҳайкаллари мажмуаси жойлашиб, улар оғзидан сув тизгини отилиб туради. Ҳайкаллар устида катта бассейн косаси жойлашган.


Сув шу косадан тошиб шерлар устига тушади ва махсус ер ости кувурларига кириб, сарой атрофидаги дала боғларини суғоради.

Альгамбрадаги кейинги ҳовли бу—Мирт ҳовлисидир. Унинг ичида шакли тўғри тўрт бурчакли сатҳи каттагина кенг ҳовуз жойлашганки, унга атрофдаги мўъжаз фавворачалардан сув оқиб тушади. Ҳовузга унинг атрофидаги сарой равоқлари ва пальма дарахтларининг акси тушиб туради.

Ҳовузнинг икки узун томонида мирт бутасидан киртишлаб ишланган чўзинчоқ яшил изгород (тўсиқлар) борки, ҳовли уларнинг номига қўйилган. Ҳовуз атрофида уни юриб томоша қилиш учун текис йўлаклар ишланган. Ҳовлига катта пальма дарахтлари ҳам экилган.

Генералиф сарой боғлари Альгамбрага яқин ҳудудда жойлашган бўлиб, Альгамбрадан кўриниб туради. Боғга узун кипарислар хиёбонидан кирилади. Генералифнинг асосий юраги—бу Канал ҳовлисидир, яъни акведукка бириккан патио (Патио де ла Асекия) боғидир (3.3.5; 3.3.6—расмлар). Бу боғ қир нишаблигида, бир неча поғоналарда жойлашган. Боғда сокин сувни томоша қилиб фавворалар товушини эшитиш, ўйга чўмиш ва ёлғиз қолиш кишига хуш ёқади. Боғда архитектура, сув элементлари, ўсимликлар бир-бирига ўта мутаносиб, уйғун шарқона шаклларда ишланган. Бу боғ томоша ва роҳатланиш боғидир. Ҳовли муҳити берк баланд деворлардан тушган соя ва фаввора сувидан салқин ва сокиндир (3.3.14—расм).

Мавритан боғларининг меъморий—ландшафт ечимлари. Альгамбра ва Генералиф саройларида қатор ҳовли боғлари бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Аксари боғлар марказида фаввора жойлашиб, ундан тўрт тарафга ариқча-йўллар кетган. Бу боғлардаги ўсимликларга кузаб шакл берилган, яъни яшил ясси шамшотлар, баланд хвойлар, мирт бутаси ва пастқам цитрус (лимон, апельсин) дарахтлари киради. Атиргуллар ва уларнинг хушбўй хиди ҳам ўсимликлар қаторидан жой олган.



3.3.11—расм. Гранада. Генералиф саройи ва унинг боғлари: а—Генералиф сарой боғлари; б—Генералиф сарой боғига бориладиган кипарислар хиёбони; в—Канал ҳовлисининг ландшафти

Арабларнинг Испанияда қурган боғларига сувга тўла суғориш каналлари, кенг ҳовузлар, турлича фавворалар, шалолалар, йўлаклардан паст жойлашган оқар сув ариқлари нафақат ички ҳовли боғларида, балки сарой галереялари ва залларининг ичига ҳам кириб кетган. Сувнинг кўплиги шунчаки, ҳатто зинапоялар бўйлаб ҳам оқади. Ҳовлидан ҳовлига ўтган бу каналлар ва ариқлар махсус суғориш тизими—“асеки” ларни ҳосил қилган.



3.3.12–расм. Алгамбра сарой боғларининг сув қурилмалари.



3.3.13–расм. Генералиф саройидаги боғларнинг ландшафт ечимлари.

Испаниядан араблар қувилгач, диний фанатлар таъсири остида араблар қурган акведук ва каналлар издан чиқади. Фақат Испаниянинг чекка Жанубида, Сьерра Невада тоғ яқинида жойлашган Гранада қалъа саройлари ва улар қошидаги гузал боғлар—Генералиф ва Альгамбралар ҳозиргача сақланиб қолган.




3.3.14—расм. Генералиф саройидаги боғларнинг ландшафт ечимлари.

Европа Уйғониш даврининг ландшафт архитектурасига таъсири. Уйғониш даври Европа маданиятида янги тараққиётнинг бошланишидан дарак берувчи воқеа бўлди. Уйғониш даврининг ҳаракатлантирувчи маркази бўлиб Италия майдонга чиқди. XV асрда Италия бутун ташқи дунё билан кенг савдо алоқаларини йўлга қўйганди. Бу ерда вужудга келган буржуазия ҳукмдор синфининг илғор дунёқарашлари амалга кира бошлади. Айти пайтда Италияда ўз қўлида катта моддий ва маънавий бойликларни тўплаган католик черковининг мавқеи ҳам мустаҳкамланиб бораётган эди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида санъатнинг барча турлари, шу билан бирга ландшафт архитектураси ҳам ривожланди.

Италиянинг поғонали мунтазам режали боғлари: Флоренция ва Рим вилоятининг вилла боғлари. Флоренция шаҳри атрофидаги вилла боғлари Италия боғ-парк санъатининг ривожланишида муҳим рол ўйнади. Ўрта аср феодалларининг ташқи муҳитдан ажралган ёпиқ ҳовли композицияси ўрнига

ҳаётбахш, очик табиат билан боғланган кенг боғ-парк шакли вужудга келди. Дастлабки вилла боғлари ягона композицион ечимга эга бўлмаган. Бунга мисол тарзида Боболи вилласини кўрсатиш мумкин. Виллада ягона тархий ечим бўлмай, паркнинг ҳар бир худуди алоҳида режавий композицияга эга. Бу парк худудининг турли даврларда қисман ўзлаштирилиб борилганидан дарак беради (3.3.15-расм).



3.3.15 - расм. Флоренция. Боболи вилласи боғларининг тарҳи. XVI аср.

Шаҳар ташқарасида виллалар қуришдек Флоренция бадий анъаналарини давом эттирган Римда боғ-парк санъати янада ривожланди. Қадимги Римда шаклланган “итальянча” поғонали боғларнинг анъаналари ривожлантирилди ва мантиқан қайта тикланди. Поғоналарда унча катта бўлмаган мунтазам партерлар ёки боскетлар шакллантирилди. Виллаларнинг хўжалик аҳамияти иккинчи даражага кўчди ёки умуман йўқолди.


Композиция яхлитлигига тўғрисида таассурот туғдирувчи янги услублар пайдо бўлди. Вилла саройи боғ ландшафти билан аниқ бир композицион боғлиқликда қаралиб, вилла архитектураси услуби боғ қурилиши ва унинг

шаклларида ўз аксини топди. Рим боғларининг композицион қисмлари ягона ўққа бирлашади ва бўйсунди.

Италия Уйғониш даври боғ-парк санъатининг мумтоз намуналари: Ланте, Капрарола ва Дъ Есте боғлари. Уйғониш давридаги Ланте, Капрарола ва бошқа поғонасимон виллаларнинг алоҳида қисмлари бир-бири билан анфилада услубида композициявий боғланган.


Италия боғ-парклари қурилишига архитектор ва рассомлар Браманте, Рафаел, Палладиоланинг ижоди катта таъсир кўрсатади ва вилла боғларида янада сифатли композициялар пайдо бўлади. Бунга мисол қилиб Тиволи шаҳарчасининг энг гўзал виллаларидан бири Дъ Есте боғини олиш мумкин.

Боғ муаллифи Қадимги Рим иншоотларига хос бўлган ҳашамат ва тантанаворликни тиклашга уриниб кўрган (3.3.16 - 3.3.17- расмлар).



3.3.16-расм. Д'Есте вилла боғининг умумий кўриниши. XVI аср.

1530 йилдан бошлаб боғ-парк санъатига худди архитектурадагидек Барокко стили кириб келди. Италиянинг барокко стилидаги энг таниқли виллаларига Боргозе ва Алдобарандилар (1598-1603-йиллар) киради.




Вилла Ланте
1 — партер ильскыи каа, 2 — виллэй партер, 3 — лаваня виллы, 4 — круглый фонтан, 5 — лаваня лотка, 6 — Фонтан речныи богыи, 7 — водосток, 8 — золотыи стены, обрамляющие водосток, 9 — фонтан, 10 — виллэр

1




2



План виллы Киппарола
1 — лаваня виллы, 2 — бассейн, 3 — партер, 4 — водосток стены со скульптурой, 5 — Фонтан речныи богыи, 6 — водосток, 7 — обрамляющая стена, 8 — вилла лаваня ильскыи урочай с бассейном

3




4



5

3.3.17-расм. Италия Уйгониш даврининг виллалари: 1 — Ланте вилласининг режаси , 2 - Ланте вилласининг каскади, 3 — Карпаролла вилласининг режаси, 4 — Д'Эсте вилласининг денгиз томондан кўриниши, 5 — Д'Эсте вилласидаги "Рим тантанаси" номли фаввора.



3.3.18-расм. Италия вилла боғларининг замонавий кўриниши: 1 - сув устидаги боғча; 2 - фахрий ҳовлиси; 3 - Боргезе вилласининг боғи- 4 - Ланте сув усти хиёбони; 5,7- Гарстми вилласининг кўриниши; 6-Д ъЕсте боғидаги қирол шаршараси; 8 - вилла боғи; 9 -топиар усулида қайчиланган самшит; 10 - Боболи боғи.

Барокко боғларининг композицияси қуйидаги тамойиллар асосида қурилган: фазовий ечимларнинг атайин мураккаблаштирилиши, фавкулотдаги ландшафт эффектлари, нозик эстетизм ва услублар ҳамда шаклларнинг декоратив уйғунлашуви боғ муҳитини шакллантиришдаги эркинлик. Барокко стили ўзгарувчан перспективалар динамикасини, ёруғлик ва соя контрастидан фойдаланишни, қиртишланган кўкаламзорлар ва тигис ўтказилган кипарислар қаторини қўллашни, боғни ҳайкаллар мураккаб шакли партерлар ва арабескалар билан безатишни талаб қилган. Бу давр боғ яратувчилари фовворалар ва шаршаралардан, рангтасвири безатиш усулларида усталик билан фойдаланиб, боғ-парк санъатининг ўзига хос хусусиятларига эришганлар.

Назорат саволлари.

1. Европанинг қалъа саройлари қошидаги мўъжаз боғлари ҳақида тушунча беринг.
2. Европанинг монастир боғлари ва уларнинг меъморий–ландшафт ечимлари қандай бўлган?
3. Клуатр ва лабиринтлар нима ва улар қандай вазифалар мўлжалланган?
4. Испаниядаги Мавритан боғлари ҳақида умумий тушунча беринг.
5. Гранададаги Алгамбра ва Генералиф боғларини таърифланг.
6. Алгамбра қаср саройларидаги Шерлар ҳовлисига хос хусусиятларни таърифланг.
7. Мирт ҳовлисининг ландшафт ечимини таърифланг.

3.4.МАВЗУ. ФРАНЦИЯНИНГ УЙҒОНИШ ҲАМДА ҲИНДИСТОННИНГ БОБУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК ВА БОҒ–ПАРК САНЪАТИ.

Режа:

1. Франциянинг барокко давридаги мунтазам режали парклари.
2. Ҳиндистонда Бобур, Акбар, Жаҳонгир, Шохжаҳонлар ҳукмронлиги даврида боғдорчиликнинг ривож топиши.
3. Бобурийлар даврида Ҳиндистон боғ-парк санъатида янги йўналишнинг вужудга келиши. Боғлар типологияси.

Франциянинг барокко давридаги мунтазам режали парклари.

Францияда Уйғониш даври XV асрнинг 2 ярмидан XVIII асрнинг бошигача бўлган даврни ўз ичига олади. Франция қироллари ўрта ва майда дворянликлар ва шаҳар буржуазиясига таяниб, мамлакатнинг сиёсий яқдиллигига эришдилар. Французлар Италияга ҳарбий юришлари даврида Италия Уйғониш даври маданияти билан танишдилар. Бу таъсир Француз боғ-парк қурилишида ҳам ўз аксини топди. Франция ландшафти Италиянинг қир ва тоғлик ландшафтида фарқли ўлароқ асосан текисликлардан ва япроқли ўрмонзорлар ва сокин сузувчи дарёлардан иборат бўлгани учун Француз боғ-парк усталари жойнинг кичик паст-баландликларидан фойдаландилар. Шу боис “боулингрин” ва “вертюгаден” каби характерли услублар келиб чикди. Боулингрин, яъни майсазорнинг қиртишланган паст партер тўри тупроқнинг бир хил кўринишига барҳам берди. Француз паркларидаги вертюгаден эса Италиядаги амфитеатр ролини ўйнади. Унда боғ композиций ўқини ярим доира шаклидаги яшил буталар тугалланган, унга кичик поғоначалар қўшилиб, энг юқориси эса туваклардаги ўсимликлар билан безатилган.

Француз паркларида сарой ёки уй олдидаги асосий жой партерга ажратилган, у яхлит ёки қиртишланган майсазордан иборат бўлган. Баъзан партерга гуллар ўтказилган ёки қирқилган буталар экилган яшиклар қўйилган. Паркнинг энг катта қисмини ёпиқ боскетлар тарзида, яъни уни яшил театрлардан иборат лабиринт сифатида фойдаланиш мумкин бўлган. Ёпиқ боскетлардан ташқари очик экинлар -“кенкос” ҳам ташкил этилган.

Андре Ленотр ижоди. Франциянинг XVII аср ўртасидаги боғ-парк санъати архитектор Андре Ленотр (1613-1700-йиллар) ижоди билан боғлиқ. У ўзининг узок умри давомида архитектуранинг классисизм услубида қуйидаги паркларни қурди ва қайта тиклади: Во-ле-Виконт (3.4.1-расм), Сова-Медон, Шантили ва Шуази, Нинон, Версал, Марли, Париждаги Емкат ва Тюилри боғ-парклари.

Версал боғ ансамблининг меъморий–ландшафт ечимлари. Ленотр ижодининг энг ёрқин намунаси эса Людовик XIVнинг Версал резиденцияси парки бўлган (3.4.2-расм). Бу парк нафақат боғ-парк санъатига, балки шаҳарсозликка ҳам катта таъсир кўрсатди. У меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва боғ-парк санъатларининг ажойиб синтезидир. Ленотр парк композициясини «уч асосий нур»да режалаштирди. Шаҳар томонидан ҳам уч нур бўйлаб йўналган

йўллар Версал саройи олдида жойлашган майдонни Людовик XIVнинг ҳайкалига олиб келади.

Уч нур композицияси “Катта канал” тепасида учрашади ва паркни уч қисмга бўлади: сарой олди партери, асосий нурнинг икки томонида жойлашган боскетлар ва кўкаламзорлар. Асосий бош нурнинг атрофида жуда катта яшил гилам (25х330 м) лойиҳаланган. Бу гилам Аполлон бассейнигача давом этади.


Аполлон бассейнидан сўнг узунлиги 1600 м, эни 120 м бўлган Катта канал бошланади. Ленотр Катта канал ўқини шундай режалаштирганки, канал сувига қуёш нури кун бўйи тушиб, ярқираган сув ойнасини ҳосил қилади.

Паркда жуда кўп ажойиб ва катта сув партерлари, фавворалар, боскетлар ва ҳайкаллар лойиҳаланган. Улардан энг катталари сарой олдида жойлашган «Нептун» сув-ойнали партери. Катта канал ўқида жойлашган «Апполон» ва «Латона» фавворалари, паркнинг турли ҳар хил қисмларида жойлашган «Ёз», «Куз», «Флора» ва бошқа фавворалар, оранжерея олдидаги яшил партерлар, «Сув органи», «Қирол» боскетлари ва ҳайкаллари (3.4.2-расм).



3.4.1 - расм. Во Ле Виконт саройининг парки:

1–сув устидаги сарой, 2–Сатир фаввораси, 3–5–майсали ва гулли партерлар, 6–балиқ ҳайкали, 7–нимфа, 8–Во Ле Виконт саройи ва атроф ландшафтининг кўриниши.



3.4.2-расм. Версаль саройининг парки: 1–3–Версаль саройининг ичи ва ташқи кўриниши, 4–6–гулли партер, кайчиланган самиит хиёбони ва хайкаллар, 7,10–“Аполлон” фавворалари, 8 – Аполлон гроти “Аполлон парилар атрофида” ҳайкал композицияси, 9,11,13–“Латона” фаввораси, 12,14–гулли ва майсали партерлар, 15–17–“Ез”, “Куз” ва “Флора” фавворалари.

Ҳиндистонда Бобур, Акбар, Жаҳонгир, Шохжаҳонлар ҳукмронлиги даврида боғдорчиликнинг ривож топиши. Ўрта аср Шарқ мамлакатлари боғларига хос анъаналар Шимолий Ҳиндистонда, Бобур ва бобурийлар ҳукмронлиги даврида (XVI-XVII асрларда) янада тараққий топди. Бобурийлар яратган боғлар нафақат ҳозирги Ҳиндистонда, балки Покистонда ҳам сақланиб қолган. Дехли, Агра, Фатехпур-Секри, Шохжаҳонобод (эски Дехли), Лоҳур, Кишмир шаҳарларидаги Бобурийлар қурган боғлар нафақат Ҳиндистоннинг, балки бутун Ислом дунёси ўрта аср боғ-паркчилик санъатининг ҳам жавоҳирлари қаторига киритилган.

Бобурийлар даврида Ҳиндистон боғ-парк санъатида янги йўналишнинг вужудга келиши. Боғлар типологияси. Бобурийларнинг боболари Амир Темур ва Темурийлар чорбоғларни шаҳар атрофидаги табиатан нафис жойларда бунёд этган бўлсалар, Бобурийлар чорбоғ услубини нафақат нафис табиат қучоғига, балки шаҳар ичига меъморий обидалар мажмуи: саройлар, қасрлар, кўшклар, мақбаралар муҳитига олиб кириб, бу санъатнинг янги йўналишини яратди. Ана шундай меъморий обидалар билан ҳамоҳанг тарзда яратилган чорбоғни Дехлида, Акбаршоҳ отаси Хумоюнга атаб 1566 йилда қурдирган мақбара-боғда кўрамиз. Мақбаранинг чир атрофида симметрия тарзида сув ҳавзалари, ариқлар, хиёбонлар ва чаманлар барпо этилган. Чорбоғ бу ерда мақбара учун манзарага бой, жозибадор, дилни яйратадиган меъморий яшил муҳит-пейзаж вазифасини бажарган. Аградаги Акбаршоҳ мақбара-боғи ҳам ана шундай оромбахш боғлардандир. Акбаршоҳ мақбараси боғнинг геометрик марказида жойлашган. Боғнинг тўрт тарафида тўртта улкан дарвоза, боғда серсоя дарахтлар, маймунлар, товуслар ва оҳулар мавжуд.

Лаҳордаги Шалимар боғининг меъморий ландшафт ечими. Шох Жаҳоннинг Лоҳурдаги Шалимар боғи ҳақида алоҳида тўхташ жоиздир. Боғ 1641-42 йилларда бунёд этилган. У қияликда жойлашган бўлиб, майдони поғонали уч текис сахнга бўлинган. Чўзинчоқ тўғри тўртбурчакли мунтазам режадаги боғ атрофи баланд девор ва дарвозалар билан ўралган. Меридионал йўналишдаги боғ ўқи бўйлаб марказий хиёбон ва ўртада ўқ ариқ, икки ёндан эса унга параллел ёнбош хиёбонлар ўтказилган. Хиёбонларни кўндаланг кесган параллел йўлаклар ва ариқлар боғда квадрат шаклидаги «чорчаман»ларни ҳосил қилган. Боғ майдони 16 гектарга яқин. Хиёбонлар ва йўлаклар кесишган жойларга турли шаклдаги фавворалар ёки шалолалар бунёд этилган. Қуйи ва юқори поғоналарнинг тарҳи бир-бирига ўхашаш чорбоғ кўринишида. Чорчаманларда мевали дарахтлар, гулли буталар ва гулзорлар мавжуд. Ўртадаги сахннинг майдони нисбатан кичик, унда улкан квадрат ҳовуз, унинг марказида эса мармар супа жойлашган. Боғнинг шарқий ва ғарбий деворлари бўйлаб бир-бирига ўхашаш бир ошёнли саройлар ва ёрдамчи хоналар қурилган (3.4.3–расм).



3.4.3–расм. Лахурдаги Шалимар боғи ландшафтларининг кўриниши

Боғнинг асосий биноси-икки қаватли сарой ўртадаги ҳовуз ёнида жойлашган. Ҳовузнинг қолган уч томонида мармар шийпонлар қад кўтариб турибди, ҳовуз марказидаги мармар супа эса боғ билан тош кўприклар орқали боғланган. Ҳовуздаги қатор митти фавворалар ҳавога роҳатбахш сув пуркайди. Боғнинг шарқий қисмидаги равоқлар билан безалган хоналарда дастлаб шоҳнинг ҳарами жойлашган бўлиб, унда асосий хоналардан ташқари ҳаммом ва чўмилиш учун ҳовуз ҳам бўлган. Теварак атрофни тўлдириб турган атиргулларнинг муаттар хиди, қафасдаги рангоранг тўти кушлар дилга сурур бағишлаган. Шалимар боғи эндиликда Лоҳур шаҳри билан қўшилиб кетиб, оддий халқ ва сайёҳлар дам оладиган гўзал гўшага айлантирилган. “Шалимар” сўзи ҳар хил таржима қилиниб, “Севги маскани” ёки “Ҳузур халоват ва гўзаллик маскани” деган маъноларни билдирар экан.

Кашмирдаги Дал кўли соҳилидаги Шалимар боғининг меъморий-ландшафт ечими. Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгиршоҳ (1569-1627) ҳам Агра ва Лоҳур шаҳарларида, шунингдек Ҳиндистоннинг энг гўзал жойларида: Кашмир ва Ғарбий Покистонда қатор боғлар яратган. Унинг Кашмирдаги Дал кўли соҳилида жойлашган Шалимар боғининг режаси чўзинчоқ тўғри тўрт бурчак шаклида (500x200 метр) бўлиб, кетма-кет уч қисмдан: ташқи боғ, марказий боғ ва ичкари боғлардан иборат. Ташқи боғнинг меъморий очик майдони ва улкан шийпони бўлиб, у подшоҳ қабулхонаси билан туташган. Марказий боғ саҳни эса икки поғонали бўлиб, ўртасида шоҳ саройи ва қабулхонаси жойлашган.

Ичкари боғ шоҳ оиласи учун мўлжалланган, боғдаги саройлар қорли, улуғвор Махадев тоғлари этагида жойлашган. Ана шу тоғ қояларидан бошланган кенгрок ариқ Шалимар боғини узунасига кесиб ўтиб шаршара ва фавворалар, ҳар икки ёндан эса хиёбонлар ҳосил қилган. Хиёбонлар четига чинорлар экилган (3.4.4–расм).



3.4.4–расм. Кашмирдаги Шалимар боғининг кириш жойи ва ландшафти

Кашмирнинг Шалимар боғи бир томондан кўл сувининг мафтункор манзараси, иккинчи томондан баланд тоғ ландшафтига уйғунлиги билан бошқа боғлардан устун туради.

Кашмирдаги Дал кўли ҳавзаларида сув устида сузиб юрувчи ғаройиб боғлар шакллантирилган. Бунинг учун қуруқ қамишдан тўкилган енгил «гилам» сув устига тўшалган. Сув остида ўсувчи турли ўсимликлар томирлари ва лойи билан ушбу гилам устига ёзилган. Бу нарса қисқа вақт ичида ҳосилдор қатламга айланган. Унга ташланган дон тез орада ўсиб чиққан. Авлоддан-авлодга ўтиб кетган бу сузувчи боғ қатлами янгидан кўшилган чўқиндилар ёрдамида мустаҳкамланган, аста-секин пастга ўсиб. сув тагига етган ва яхлит ер массасига айланган. Бу массага ташқаридан тушган турли чиқиндилар унинг сатҳини сув юзасидан кўтара борган ва натижада инсон кўли билан яратилган қуруқ сунъий ер қатлами ҳосил қилган. Бу қатлам устига нафақат боғлар, балки уйлар, иморатлар ҳам қуриш мумкин бўлган.

Ҳиндистоннинг мақбара-боғлари. Тож Маҳал мақбара боғ-саройи. Ҳиндистондаги мақбара-боғлар орасида энг машҳури-бу Аградаги Тож Маҳалдир (XVII аср). Уни Бобурий Шоҳ Жаҳон рафиқаси Орзумандбону (Мумтоз Маҳал) нинг сўнмас хотираси учун қурдиради. Тож Маҳал ҳам бошқа

мақбара-боғлар каби чорбоғ услубида режаланган. Бироқ ундаги мақбара биноси Хумоюн ва Акбаршоҳ мақбаралари каби боғ марказида эмас, балки унинг тўрида жойлаштирилган. Натижада мақбара-боғ ғоясини ўзида мужассамлаштирган эртакнамо обида ва унга пойандоз тушган гўзал чорбоғ ҳосил бўлган. Бош хиёбон бўйлаб ўтказилган кенг ариқлар ва ҳовузларга тушган мақбара-сарой акси боғ муҳитига янада мафтункор файз бахшида этган. Тож Маҳални кўришга келганлар чорбоғ дарвозасидан кириб то мақбара биносига боргунча кўз ўнгида минг турфа жило бериб товланаётган обиданинг жамолига тўймай, бу жаннатмакон боғни кенгроқ мушоҳада этишга шошилади (3.4.5-расм).



3.4.5—расм. Аградаги Тож Маҳал мақбара боғ-саройи.

Ҳиндистоннинг Ауранобод шаҳрида ҳам меъморий-режавий композицияси жиҳатидан Тож Маҳалга жуда яқин бўлган Биби-Камакбар мақбара-боғи (XVII аср) сақланиб қолган.

Ҳиндистон ва Покистонда XVII асрда гўзал Химолай тоғлари этакларида бунёд этилган “Шалимар” ва “Нишат” боғ деб номланган бир нечта боғлар мавжуд. Буларнинг аксарияти Бобурийлар томонидан Лал кўли атрофидаги хушманзара жойларда қурилган. Бу боғлар ҳудудини тоғ этакларида сунъий ташкил қилинган квадратсимон поғоналар, тоғлардан оқаётган сувга тўла шалолалар, ариқлар, катта-кичик ҳовузлар, гулзорлар, хиёбонлар ташкил қилади. Бу боғлар композицияси соф мунтазам симметрик режада чорбоғ ва чорчаман услубларида қурилган.



3.4.6–расм. Лал кўли атрофидаги Бобурийлар боғларининг жойлашиши схемаси



3.4.7–расм. Каширдаги Шалимар боғининг ландшафти.



3.4.8–расм. Бобурийлар яратган боғларнинг ландшафт кўринишлари: 1–Каширнинг погонали боғларида қўлланилган “чодар” (сунъий шалола); 2–Фатехпур Секридаги сарой–боғи фавворалари

Бобур ва унинг авлодлари яратган боғларнинг айримлари бизнинг давримизгача сақланиб келмоқда. Кобулдаги Боғи Бобур, Истолифдаги Боғи Истолиф, Аградаги Боғи Нурафшон (Ромбоғ) боғ-саройлари, Тож-Махал, Дехлидаги Хумоюн ва Секридаги Боғи Акбарлар, Сринар ва Лахордаги Шалимар боғлари шулар жумласидандир.





3.4.9-расм. Бобурийлар яратган боғларнинг ландшафт кўринишлари:
 1-Акбаршоҳнинг Аградаги сарой-боғи; Фатехпур Секридаги сарой-боғи ҳовузи.

Назорат саволлари.

1. Франциянинг барокко давридаги мунтазам режали парклари ҳақида тушунча беринг.
2. Ҳиндистондаги Бобур ва Бобурийлар даври боғ-паркларининг типологиясини айтиб беринг.
3. Бобурий қурган боғлар Темурийларнинг Самарқанд, Хирот ва Қобул боғларидан нималари билан фарқ қилади? Улар орасидаги умумийлик нима?
4. Шалимар ва Нишат боғлари қандай мақсадларда қурилган?
5. Ҳиндистондаги мақбара боғларининг энг ривожланган кўринишини аниқланг.

3.5. МАВЗУ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ БОҒ ВА ПАРК- МАЖМУАЛАРИ.

Режа:

1. Мовароуннаҳр: Самарқанд ва Бухоронинг Темур ва Темурийлар даври боғ-саройлари.
2. Ҳирот боғ-парклари.
3. “Чорбоғ” услубидаги боғларга хос меъморий-ландшафт хусусиятлар

Мовароуннаҳр: Самарқанд ва Бухоронинг Темур ва Темурийлар даври боғ-саройлари. Боғлар бунёд этиш ва уларга оройиш бериш санъати Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб шаклланиб келган. Бунга Ўрта Осиёнинг ўзига хос иқлими, серкуёшлиги, узоқ иссиқ ёзнинг ўткир таъсиридан сақланишга қаратилган ҳаракат ҳам сабаб бўлган. Бадавлат одамлар дастлаб мўъжаз оромгоҳлар бунёд этиб жазирама ёз кунларида соя салқин боғларда, ҳовузлар қошидаги супали шийпонларда, шаббода жойларда дам олишган. Бундай оромгоҳларда, одатда, серсоя манзарали дов-дарахтлардан ташқари турли-туман мевали дарахтлар, гуллар, хўжалик учун тоқлар ва бошқа экинлар ҳам экилган. Бундай боғлар кўпинча шаҳар атрофларида, тоғ ёнбағирларидаги қияликларда, булоқ бўйларида бунёд этилиб, ёз кунлари уларга кўчиб ўтилган. Экинлар учун ер текисланиб челлар ишланган, ариқлар олинган, ҳовуз, шийпон, айвонлар, супалар, улар олдида мўъжаз гулзорлар ташкил қилинган. Ҳоким ва амалдорларнинг шаҳар четларидаги бундай оромгоҳлари атрофи пахса деворлар билан айлантирилиб, дарвозалар ишланган. Улар ёзги кўрғонча боғлар кўринишини олган. Бундай боғлар саҳни ўқ ариқлар билан бир неча, одатда, тўрт қисмга бўлиниб, «чор-боғ» ҳосил қилинган. Бадавлат оилалар ўз чорбоғлари ичига чиройли шийпонлар куриб, ёз ойлари меҳмонларни шу боғларга таклиф қилишган. Бундай мўъжаз кўрғонча-чорбоғлар сув манбаларига яқин, нисбатан текис жойларда бунёд этилган.



Ёзги кўрғонча-чорбоғлардан ташқари шаҳарлар ичида серсоя хиёбонлар, мўъжаз яшил майдонлар ҳам ташкил қилинган. X асрда Самарқандга сайёҳатга келган араб географи Ибн Хавкал шаҳардаги яшил майдонлар ва улардаги турли хил оройишлар ҳақида куйидагиларни ёзади: «Шаҳар боғларга бурканган, агар унга юқоридан қарасангиз ҳатто уйлар кўринмай кетган», дейди.

Херман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи» китобида Самарқадни мўғуллар истило қилганда (1221 й.) бу ердаги «уста боғбонлар узок



Шаркка, мўғуллар юртига юборилган эди» деган фикрни билдиради. Маълумки, мўғуллар Самарқандни бир ярим асрга яқин давр ичида мустамлака қилиб турган. Ана шу узок йиллар давомида Самарқанд ва Мовароуннахрда деярли тўхтаб қолган боғчилик санъатини Амир Темур қайтадан ривожлантирди. Энди у кўргонча кўринишидаги боғлар ва шаҳар ичи майдонларидаги мўъжаз боғлар билан чегараланмасдан, шаҳар атрофларидаги хушманзара жойларда катта–катта истироҳат боғ–саройларини ва улардаги турли хил гўзал оройишлар ва боғ зийнатларини авж олдирди.

3.5.1–расм. Чорбоғ услубидаги боғ реконструкцияси (Д. А. Нозилов бўйича)



3.5.2–расм. Қадимги Хоразм. Қадимги шахристон атрофи ва ичида барпо этилган мунтазам режали боғларнинг тарҳи.



3.5.3–расм. Темур ва темурийлар яратган боғларнинг Самарқанд шаҳри атрофида жойлашиши:

- а–Боғи Баланд
- б–Боғи Майдон
- в–Боғи Нақши Жаҳон
- г–Боғи Амирзода Шохрух
- д–Боғи Булду
- е–Боғи Зоғон
- ж–Боғи Дилкушо
- з–Боғи Жаҳоннома
- и–Боғи Давлотобод
- е–Боғи Чинор
- к–Боғи Беҳиш
- л–Боғи Шамол
- м–Боғи Нав
- н–Боғча (Улугбек бунёд этган)


Амир Темур бунёд этган истироҳат боғ–саройлари ўзларининг кенг кўлами, хуш ҳавоси, гўзал манзаралари, эртақнамо сарой ва кўшклари, ғаройиб ҳовуз ва фавворалари, беозор жонзотлари билан мўъжаз кўрғонча-чорбоғлардан ажралиб турган. Аммо истироҳат боғлари ҳам кўрғонча-чорбоғлар каби атрофларидан баланд деворлар билан айлантирилиб, дарвозалар орқали кириб чиқилган. Темур бунёд этган айрим истироҳат боғларининг майдони жуда катта бўлиб, улар ичида серсоя дарахтзорлар, турли мевали боғлар, ҳовузлар, гулзорлардан ташқари майсазорлар, ҳатто ўт–ялангликлар бўлган.

Темурунинг шаҳар Арки ичида Бўстонсарой қошида мўъжаз чорбоғ ҳам ташкил этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, манбаларда шахзода Муҳаммад Султон қурдирган мадраса (ҳозирги Гўри Амир) атрофида «Бир нечта уйни бузиб жаннат мисол бир боғча» яратилганлиги ҳам эслатиб ўтилади. Аммо, боғларнинг асосий қисми шаҳар атрофларида, хисордан ташқарида маҳобатли истироҳат боғ–саройлари тарзида бунёд этилган.

Темур ушбу истироҳат боғ–саройларидан ташқари Шахрисабздаги Оқсарой қошида, шунингдек Яссадаги Хожа Аҳмад мақбара мажмуаси

Ҳирот боғ-парклари. Темур ва темурийлар даврида Хуросон пойтахти Ҳиротда ҳам Самарқанд боғларига ўхашаш гўзал боғ-роғлар бунёд этилади (3.5.4-расм). Ҳирот шаҳри атрофларида Темур даврига қадар ҳам маҳаллий зодагонлар қурган бир неча боғлар бўлиб, улардан Боғи Баланд, Боғи Зоғон, Боғи Сафедлар Шохрух даврида салтанатнинг ёзги қароргоҳи ва халқ сайилларини ўтказиб туриш учун фойдаланилар эди. Шохрух ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида Боғи Сафед худудини анча кенгайтириб, боғни

қайта қуради ва унда тасвирий санъат асарлари билан зийнатланган мунаққаш бир сарой бунёд этади.



3.5.4–расм. Хирот боғларининг миниатюралардаги тасвири.

Султон Хусайн Бойқаро даврида Хирот атрофларида бир неча боғ-саройлар ва хиёбонлар мавжуд эди. Улар ичида энг йириги Хусайн Бойқаро бунёд этган Боғи Жаҳонаро ҳисобланган. Бу боғ салкам бир квадрат километр (100 гектар) жойга эга бўлиб, боғнинг ўртасида маҳобатли баланд сарой қурилган. Сарой олдида гулзор, мевали ва манзарали ям-яшил дарахтлар билан безатилган чорбоғ ва чорчаман ҳамда хиёбон услубларида ташкил этилган тўртта боғ бўлган. Боғнинг шимолий атрофидаги кенг ҳовузнинг тўрт томонида тўртта зийнатли шийпон ва камондан нишонга ёй отиб, машқ ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган махсус бино - садафхона ҳам бўлган. Боғда қаторлаб экилган турли хил мевали дарахтлар, токзор, сарв, оқкарағай, мажнунтол, чинор, шунингдек, турли-туман гулзорлар бўлган.



3.5.5–расм. Ҳовузга доминантлик роли берилган «ички» ва «ташқи» «чорбоғ»ларнинг кўринишлари.

“Чорбоғ” услубидаги боғларга хос меъморий-ландшафт хусусиятлар.

Темурийлар ўзларининг боғларини дил очувчан ва эртакнамо бўлишлиги учун уларни чиройли ҳайвонотлар билан беаганлар. Боғда сайр қилиб юрган оҳу ва товуслар, ҳовузларда сузиб юрган ўрдак ва ғозлар шулар жумласидандир. Клавихо ҳам Темурнинг Самарқанддаги Давлатобод боғида оҳу ва тустовуқлар бўлганлигидан далолат беради. Боғлардаги ҳайвонот оламини кўпгина нафис суръатларда ҳам учратиш мумкин. Ҳирот боғларининг бирини махсус Ҳовузи Мохиён - Балиқлар ҳовузи беаган. Бундай жонзотлар Шарқ боғлари ҳуснига ҳусн қўшган.

Клавихо Темурнинг Шаҳрисабздаги Оксаройи қошида бунёд этган боғида тиллодан ишланган сунъий дарахтни кўриб, унинг мевалари биллур тошлар билан безатилган эди, деб ёзади. Бундай ғаройиб мўъжизани яратган ўрта аср усталари маҳаллий халқ вакилларида ёки ўзга юртлардан эдими, бундан қатъий назар, бу ҳол сунъий ландшафт яратиш ва дизайн услуби Шарқ халқларига азалдан хос эканлигини кўрсатади.

Бу боғларни яратган меъмор ва боғбонлар уларда ўша давр боғ-истироҳатчилик санъатининг энг яхши намуналарини акс эттиришга интилганлар. Темурийларнинг боғлари учун кўпроқ илгаридан мавжуд манзилгоҳлар, суви етарли кичик боғлар, хушманзара дарахтзорлар, ўт-ўланлар қўшиб олиниб, қайтадан режаланган ёки махсус лойиҳаланган. Фақат айрим боғлар янгитдан ишланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар учун мавжуд манзарага бой жойлар танланган. Айни пайтда, Мовароуннаҳрда табиий ноқулай бўлган, масалан, ботқоқлик жойларда сунъий ишланган боғлар ҳам учрайди.


Амир Темур ва Темурийлар даври истироҳат боғларининг киёфаси икки хил: 1) симметрик режа асосида тўғри ҳандасавий шакллардан тузилган тартибли мунтазам кўринишда ва 2) жонли табиат манзараларидан ташкил топган табиий эркин кўринишларда шаклланган.

Темур ва темурийлар бунёд этган боғларнинг кўпчилиги биринчи хил кўринишдаги боғлардан ташкил топиб, уларнинг тузилиши анъанавий **«Чорбоғ» тартибига** бўйсундирилган. Чорбоғлар режаси асосан тўғри тўртбурчак ёки тўртбурчак шаклидаги деворлар билан ўралган тўрт ва ундан кўп қисмдан иборат боғлар бўлган. Уларнинг ўртасидаги саройга бориладиган хиёбонлар, одатда, чорбоғ майдонини симметрия ёки шунга яқин ҳолда жойлашган бирталай тўртбурчак “чорчаман”ларга бўлган.

Чорбоғ тартиботи алоҳида қоида сифатида эълон қилиниб, боғдорчиликда унга амал қилиш анъана қаторига кирган. Бу анъана асрлар давомида боғ усталари ва меъморлар томонидан аниқ ижтимоий ва табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда турли кўринишларда ривожлантириб келинган. Бухородаги Ситораи Мохи Хосса боғининг (XIX-XX аср) тузилиши бунга мисол бўла олади. У XIX-XV асрлардаги Самарқанд ва Ҳирот боғларига ўхшаш чорбоғлар шаклида режаланган. Боғ саҳни бир-бирига кўндаланг йўлаклар билан кесишувчи чорчаман майдонларга бўлинган.

Тартибли мунтазам хандасавий кўринишдаги чорбоғлар кўпроқ нисбатан текис ерларда жойлашган боғларга мос келса, **эркин манзарали кўринишдаги боғлар** баланд-пастликда, қияликларда жойлашган кенг майдонли сайргоҳ истироҳат боғлари ва боғ-қўриқхоналар учун мос келган. Амир Темур бунёд этган Боғи Жаҳоннамо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Тахти Қорача боғлари ана шундай эркин табиат манзараси кўринишидаги боғлар турига кирган. Бу боғлардаги боғ саройи атрофлари, унга бориладиган марказий хиёбон ва боғ дарвозаси олдилари, мунтазам тарҳлик режаларда шакллантирилган. Боғнинг қолган қисмлари асосан эркин табиат манзараси кўринишида қолдирилган.

Темурийлар бунёд этган боғлар, юқорида таъкидлаганимиздек, майдонларининг катталиги, гўзал маҳобати-ю, мунаққаш зебу-зийнатлари, эртакнамо кўшк-саройлари (3.5.6-расм), мевали ва манзарали дарахтлари, ранг-баранг гуллари, ғаройиб сув иншоотлари ва манзаралари, ҳайвонот дунёси билан ажралиб турган.



3.5.6—расм. Темурийлар бунёд этган Чорбоғлардаги кўшклар, ўсимликлар ва ҳовузлар

Шарафиддин Али Яздий Темурнинг «Боғи Жаҳоннамо»си ҳақида ёзаркан, унда тўсатдан меъморнинг оти йўқолиб қолганлиги ва уни боғдан излаб топишга бир ой сарф бўлганлиги ҳақидаги латифани келтиради. Боғи Дилкушо ва Боғи Нав **боғларининг ўлчамлари** 1500x1500 газ (1000x1000 метрлар чамаси) атрофида бўлган. Давлатобод Боғининг тарҳи эса тўғри тўртбурчак кўринишида (900x1350 метр) бўлиб, боғнинг ўзи икки қисмдан: боғ-сарой жойлашган истироҳат боғи (900x900 метр) ва боғ узумзоридан (900x450 метр) иборат бўлган.

Янги боғлар кўпинча, илгаридан мавжуд боғлар ҳудудларини кенгайтириш ҳисобига барпо этилса-да, экиладиган дарахтлар тури алоҳида эътибор билан танланган. Боғ деворлари ёнидан тортилган ариқлар бўйлаб мирзатераклар экилган. Улар ичида «Сафедори Самарқандий» тури ўзининг гўзал ранги ва шакли билан бошқа тераклардан ажралиб турган. Чорбоғ хиёбонлари, ҳовузлар ва ариқлар бўйлаб **манзарали дарахтлардан** тол, терак, чинор, сарв, арча, мажнунтол кабилар экилган. **Мевали дарахтлардан** олмаларнинг турли хил навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар доим эътиборда бўлган.

Гулларни танлашда уларнинг очилиш мавсумига эътибор беришган. Улар чорчаманларда шундай тартибда экилганки, бири очилиб тугаса, иккинчиси гуллай бошлаган. Шундай гуллардан айримларини санаб ўтамиз: ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, наргис, гули раъно, нулуфар, шаббўй, гултожихўроз, аргун, садбарг, ханжарий. Боғларда қўлга ўргатилган охулар, товуслар, бедона ва какликлар, ҳовузларда эса ғоз ва ўрдаклар, балиқлар сузиб юрган.

Темурийлар қурдирган айрим боғларда (жумладан, Боғи Давлатобод, Боғи Беҳишт, Боғи Чинор) саройлар баланд табиий ёки сунъий тепаликлар устига қурилган бўлиб, улар боғнинг турли томонларидан, айниқса, уларга элтувчи хиёбонлардан яққол кўзга ташланиб турган. Гўзал саройлар қурилган тепаликлар ёнига ушбу саройларнинг акси тушиб турувчи сунъий сув ҳавзалари ишланиб, улар чир айлана кенг ариқ ёки ҳовуз фавворалар тарзида бўлган. Бу каби меъморий услублар боғни янада гўзал ва тароватли қилган, дам олувчилар дилини завқ-шавққа тўлдирган.

Назорат саволлари.

1. Самарқанд ва Бухоронинг Темурийлар давридаги боғ-саройлари қандай бўлган?
2. Ҳирот боғ-паркларини тавсифлаб беринг?
3. “Чорбоғ” услубидаги боғларга хос меъморий-ландшафт хусусиятларини айтиб беринг?
4. Тартибли мунтазам ҳандасавий кўринишдаги чорбоғлар қаерларда қурилган?

3.6. МАВЗУ. ЕВРОПАНИНГ XVIII-XIX АСРЛАР ПЕЙЗАЖ ВА РОМАНТИК УСЛУБИДАГИ ПАРКЛАРИ

Режа:

1. Англиянинг романтик пейзаж парклари.
2. Германиянинг пейзаж парклари.
3. Англиянинг барокко давридаги мунтазам режали парклари. Дурмон ва Хемптон корт парклари.
4. Германиянинг Херренхауз парки ва унинг меъморий–ландшафт ечимлари.

Англиянинг романтик пейзаж парклари. XVIII аср ўрталарига келиб классицизм билан боғлиқ янги эстетик ғоялар боғ–паркчилик санъатида ҳам тўлиқ ҳукмронлик қила бошлади. Агар мунтазам режали барокко боғлари энг аввало Франция билан боғлиқ ва “французча” боғлар деб номланган бўлса, классицизмнинг табиий пейзажларга бой боғлари шубҳасиз Англияга тегишли бўлиб, “инглизча” боғлар номини олган эди.

Классицизм услуги асосида бир қанча омиллар ётарди. Энг аввало бу антик даврни идеаллаштириш ва қадимги даврдаёқ вужудга келган натурфалсафий ғояларни ривожлантириш бўлди. Рангтасвир, поэзия, ландшафт архитектурасида классицизм романтизм билан, жонли табиат ва унинг табиий эстетик сифатларини тимсоллаштириш билан узвий боғланиб кетди.

Янги ғоялар XVIII аср бошида Англияда кенг тараққий эта бошлади. Француз боғчилик санъатининг тимсоли тарзида XVII аср ўрталарида майдонга чиққан Андре Ленотр каби XVIII асрнинг 30 – йилларида Англияда архитектор ва муссавир Вилиям Кент ландшафт архитектураси ва боғ–парк санъатидаги янги услубнинг буюк мутахассиси бўлиб танилди.

Кент, айниқса, Лондондан юз километр масофада жойлашган Стоу паркидаги ишлари билан кенг танилди (3.6.1-3.6.2-расмлар). Бу ерда 1714 йилда барокко услугида парк бунёд этилиб, унга манзаравий режали элементлар ҳам киритилган эди. 1738 йилда Кент паркни тўлиғича қайта режалаштириб чиқди. Янги режа мунтазам “французча” боғларнинг буткул аксини ташкил этди. Соф мунтазам тарзда режалаштирилган партерлар, боскетлар, ховузлар ўрнига барча элемент ва қисмларни гўёки табиатнинг ўзига шакллантиргандек эркин пейзажли манзаравий боғ яратилди. Паркнинг пухта ўйланган йўллари тизимидан юрган киши кўз ўнгида гўзал пейзажлар, хиёбонлар, манзаравий кўринишлар, сарой ва парк иншоотларининг бирин–кетин алмашиб боришини кузатарди. Паркда инглизча соф зумрабранг майсазорлардан иборат очиқ майдонлар ва турли дарахтлардан тузилган баланд ёпиқ дарахтзорлар нисбати шакллантирилди.




3.6.1–расм. Стоу парки пейзажли қисмининг ландшафт кўринишлари:
 1–Тимпетто павилёни; 2–бронланган кўприк;
 3–«Саксония» худоларидан бирининг ҳайкали; 4–Октагон павилёни; 5–готик
 черкови; 6–дарё;



3.6.2-расм. Стоу паркининг ҳайкаллари: 1-Сократ; 2-Ликург; 3-Ипаминондус; 7-12-Британиянинг энг машҳур одамларига қўйилган ярим ҳайкаллар;

1803-йили инглиз архитектори Хэмфри Рептон парк қурилиши бўйича кўпчиликка маълум “Ландшафт боғдорчилиги бўйича маслаҳатлар ва лавҳалар” трактатини ёзди. У катта амалий иш тажрибасига эга эди. Ўз паркларида у пейзаж композициясини регуляр элементлар билан мувофиқлаштирди.



3.6.3–расм. Стоу паркининг панорамаси ва тархи. В.Кент, Х.Рептон ва бошқалар. 1738–1803 йй.

Рептоннинг XIX аср бошларида архитектор Жоно Неш билан бажарган энг машҳур иши Лондондаги «Рижент парки» эди. Тўғри чизиqli ўқлар ва доиранинг сув ва кўкаламзорнинг эркин пейзаж режаси билан кескин уйғунлиги бу паркни янада ифодали қилди. Пейзаж парклари қуриш, айниқса, XIX асрда кенг ривожланди. Лондондаги Гайт-парк ва Кесингтон парклари шулар жумласидандир.

Германиянинг пейзаж парклари. Манзаравий паркларни қуриш айниқса, XIX асрда кенг ривож топди. Бу соҳада аср бошидаёқ биринчи ўринга немис мактаби чиқиб олди. Унинг вакиллари П.Леннэ ва Г.Пюклер ҳозиргача яхши сақланган ажойиб ландшафт композицияларини яратдилар. Леннэ ижодида Подстамдаги машҳур парк «Сан Суси» марказий ўринни эгаллайди (3.6.4-расм).

Унга 18 асрда барокко стилидаги саройлар ва унинг қошидаги кичик регуляр боғлар қурилиши пайтида асос солинган эди. 19 аср бошида Леннэ ансамблни тугатди. У саройларни бирлаштирувчи марказий хиёбон атрофида майдончалар ва дарахтзорлар тизимини яратди. Бу тизимга Шарлоттенхоф саройи, «Рим термлари», хитой павилёни ва парк ҳайкаллари уйғунлашган ҳолда киритилган.



3.6.4–расм. Германиядаги Подсдам шаҳрида жойлашган Сан Суси сарой- парки: 1–парк режаси; 2–5–Сан Суси паркининг пейзаж қисми кўринишлари.



3.6.5–расм. Сан Суси паркининг регуляр қисми: 1–3–Аполлон, Венера ва Диана ҳайкаллари; 4–Сан Суси обелиски ва катта саройга бориладиган асосий хиёбон ва катта бассейн ҳайкаллари; 5–саройининг яшил террасалари

Жозибали майдончалар композицияси, яшил массивлар, гуруҳлар ва солитер композициялар, тепаликлар, Нейсе дарёси қирғоғи ва водийси бўйлаб сайр йўлакларини қуриш учун 30 йилга яқин вақт кетди. Пюклернинг сентиментал романтизми Барнтис шаҳри яқинида жойлашган катта бўлмаган паркда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу сеҳрли рангтасвирли паркда Пюклер иккита пирамидани жойлаштирди, уларнинг биринчиси кўл ичида, иккинчиси соҳил бўйида эди. Пирамидалар Пюклер ва унинг маҳбубаси учун қабр усти бўлиб хизмат қилди.

Леннэнинг давомчиси княз Пюклер- Мускау бўлди, у бутун умри ва бойлигини эркин табиат кўринишидаги пейзажли паркларни қуришга бағишлади. Пюклер Нейсе дарёси водийсидаги Мускау шаҳри атрофида «Мускау» паркини яратди (3.6.6-расм).



3.6.6–расм. Мускау парки: 1–3–парк ландшафтининг кўриниши; 2–Мускау саройи.

Англиянинг барокко давридаги мунтазам режали парклар. Дурмон ва Хемптон корт парклар. Француз паркларига хос регуляр композиция ва барокко услуби Марказий Европа паркларига ҳам тарқалди.

Англиянинг барокко даврида мунтазам режага асосланган Чацворт (1680-й.), Логлит (1665-й.), Дурмон, Хемптон корт (1699-й.) ва бошқа боғ-парклар яратилади. Англиянинг энг чиройли регуляр режали паркларига Дурмон (3.6.7-расм) ва Хемптон корт (3.6.8-расм) парклар кирди.

Дурмон паркининг композициясига очиқ симметрик партерлар ва довдарахтлардан шаклланган яхлит яшил массивларнинг қўлланилиши хосдир. Парк режаси «Крест Светое Андре» (“Муқаддас Андре хоҳи”) ордени асосида яратилади. Ички деталлари ҳам Муқаддас Андре орденининг нусхасини катта масштабда шакллантирган.



3.6.7–расм–Дурмон парки: 1–парк панорамаси, 2–топиар қайчиланган ландшафт дизайн композицияси, 3–“Крест Св. Андре” ландшафт композицияси, 4–5 фалсафалар боғи.

Хемптон корт саройи ва паркининг Темза дарёси билан чегараланган қатор кичрайиб борувчи учбурчак шаклли гуллик партерлари Хемптон кортнинг муҳим қисмини ташкил этади. Хемптон корт режасини А. Ленотр ва Г. Молленнинг шогирдлари ишлаб чиқишган ва лойиҳани Г. Вайз амалга оширади. Хемптон корт парки табиий муҳитни бутунлай ўзгача, соф инглизча муносабат билан шакллантирган. Бу ердаги барокко услубининг композицияси Версалдагидек жонли табиатга қарши тарзда қўйилган эмас, балки парк ҳудудининг мураккаб шаклига мос равишда амалга оширилган.

Барокко услубидаги парклар Англияда кенг тараққий топмади. Бироқ Марказий Европадаги ҳолат Англиядагидан бошқачароқ эди. Масалан, Германия ва Австрия XVII- асрдан то XVIII асргача «феодал абсолютизм» сиёсати ва маданиятига эга бўлиб, бу даврда регуляр парклар кўплаб яратилган эди.




3.6.8–расм–Хемптон Корт парки: 1–катта партерни режсалаштириш,
2–партер дизайни


Германиянинг Херренхауз парки ва унинг меъморий–ландшафт ечимлари. Германия курфюрстларининг чекланмаган ҳокимияти уларга ўз ҳукмронлиги чегараларида кенг мавқеда боғ-саройлар қурилишига имкон яратди. Ганновер шаҳридаги машҳур Херренхауз парки иккита тенг квадратдан иборат тўртбурчак шаклга эга бўлган. Парк 1666-йилда герцог Ёганн Фридрихнинг ёзги резиденцияси Херренхауз қошида «италиянча» услубда бунёд этилади. 1673-йилда Француз боғбони А. Перрон ушбу боғни кенгайтиради.

XVII асрнинг охирида Е. Август бу ерда абсолютизмнинг барокко даври дидига мос келувчи улкан боғ яратилиши учун лойиҳани иқтидорли боғбон Мартин Шарбонега топширди. Шарбоне паркнинг бутун қурилишига ҳам раҳбарлик қилган.

Германиянинг бошқа паркларидан Дрезден яқинидаги Гросседлиц саройи (XVIII асрнинг боши) ва Мюнхендаги Нимфенбург, Поцдамдаги Сан Суси паркларидир. Бу парklar ўзига хос ёрқин ечимларга регуляр парк композициясига эга бўлиб XVIII аср охирида пейзажли боғлар билан тўлдирилган. Лекин кўпинча регуляр стилга мос яратилган парк қисмларида классик ҳайкаллар ва фаввораларнинг энг юқори санъат даражасига етишганлигини кўрамиз (3.6.9-3.6.10 - расмлар).



3.6.9-рasm. Германия Барокко даврининг парки: 1–Херренхаузен паркининг тархи ва кўриниши (XVII аср охири–XVII аср боши)



3.6.10–рasm. Дрезден яқинидаги Гросседлиц парки (XVIII асрнинг боши).

Назорат саволлари.

1. Англиянинг романтик пейзаж паркларининг классицизм услубида қандай омиллар ётади?
2. Англиянинг барокко давридаги мунтазам режали паркларини тавсифланг.

3. Херренхауз парки ва унинг меъморий–ландшафт ечимлари қандай бўлган?

3.7. МАВЗУ. РОССИЯДА БАРОККО ВА КЛАССИЗМ ДАВРИНИНГ РЕГУЛЯР ПАРКЛАРИ

Режа:

1. XIX аср охири – XX аср биринчи ярмида ландшафт санъати.
2. Россиядаги барокко ва классиизм даври боғ-парк санъати.
3. Россиянинг пейзаж парклари.

Россиядаги барокко ва классиизм даври боғ-парк санъатининг энг буюк асарлари сифатида XVIII асрда Пётр I даврида қурилган Ёзги боғ ва Петродворецни кўрсатиш мумкин. Пётр I Франция, Голландия ва Германияда бўлганида, бу мамлакатларнинг боғ-парк қурилиши билан қизиқиб қолади. XVIII аср бошида Пётр I Европадан чақирган архитектор ва боғбонлар Россия меъморчилиги, боғ-парк ва ландшафт архитектурасига мунтазамлик ва Европага хос янги барокко услубини таклиф этишади. Бундай боғларнинг биринчисини, яъни Ёзги боғни Грезини, А.Шлюттер ва М.Земцов каби архитекторлар яратади (3.7.1-расм).

Боғнинг иккинчиси, яъни Петродворец сарой–боғ парк ансамбли Фин кўлтиғи бўйида жойлашиб, унинг илк қурилиши 1714-йили бошланган. Паркни қуришда таниқли архитекторлар: Ж.Б.Леблон (Ленотрнинг шогирди), ота ва ўғил Растрелли, Н.Микэтти, А.Н.Воронихинлар қатнашадилар (3.7.1-расм). Паркда тинмай сув ҳаракатланади: кеча-ю кундуз (2040 дан кўп сув қурилмалари) каналлар, шалолалар, бассейнлар, фавворалар ишлайди. Парк икки қисмдан иборат бўлиб, юқориги паркда бир неча катта сув партерлари жойлашган. Уларнинг атрофида ҳайкаллар билан безатилган гулли партерлар жойлаштирилган, кўкламзор галереялар улкан майсазорлар билан ўралган. Шовқинли фавворалар ва катта шаршара пастки боғдаги сокин композициядан сўнг ажойиб контраст кўринишини олган.

Фавворалар 22 километр масофада жойлашган Ропшинск тепаликларидан оқиб келувчи сувнинг табиий босими билан ишлайди. Парк композициясининг асосини катта сарой биноси қошидаги юқориги боғ ва саройнинг орқа томонидаги қуйи поғонада жойлашган пастки боғ эгаллайди. Паркнинг умумий майдони 100 гектардан зиёд. Ўзининг услубий хусусиятига кўра катта сарой биноси ҳам, парк композицияси ҳам рус барокко услубининг энг яхши намуналари қаторига киради.

Пастки боғ ўзича алоҳида композицияга эга бўлсада, яхлит парк ансамбли билан узвий боғланган. Ансамбл марказини тантанавор катта шалола ва «Самсон» фаввораси эгаллайди. Шер оғзини куч билан очаётган Самсон Россиянинг Швеция устидан қилган ғалабасининг рамзий ифодасидир.

«Самсон» фаввораси «Самсон ҳовузи»га оқиб тушади. «Менажер», «Рим», «Адам», «Ева», «Зонт», «Пирамида» ва бошқа фавворалар паркнинг асосий қиёфасини «Самсон» билан боғлайди. Катта шаршарадан ташқари паркда яна иккита: Олтин шалоласи ва Шахмат шалоласи жойлашган. Шахмат

шалоласининг устки қисми хитой стилида яратилган рангли махлуқларнинг ҳайкаллари билан безатилган.




3.7.1–расм. Ёзги бог ландшафти (1704–1725йй):
1, 3–7,9–богдаги антик мифология худоларининг ҳайкаллари, 2–Ёзги бог дарвозасининг панжаралари; 8–парк хиёбони.

Бироқ Россияда энг аввал, қурилган боғ-сарой ансамбллари ҳам ўзларининг французча, италянча, немисча тимсолларидан анча фарқ қилади. Бу фарқ аввало, табиат атроф-муҳити, денгизнинг яқинлиги, қурилиш материалларининг ўзига хослиги ва боғларнинг яшил композиция қисмларида ишланган рус анъанавий нақшларида тасвирланган.

XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб, шаҳар атрофи боғ-сарой ансамбллариининг қурилишини рус меъморлари ва бу ерга келган чет эллик архитекторларнинг авлодлари давом эттирдилар. XVIII асрда Петербург шаҳри атрофида «Ораниенбаум», «Царское село» (3.7.1 а–расм), «Архангелское» ва бошқаларда улкан регуляр майсазор парклар ташкил этилди. «Архангелское» парки италян усталарининг ҳайкаллари билан безатилган. Бу ерда 200 дан ортиқ оригинал асарлар парк ҳайкалгоҳида тўпланган (3.7.3-расм).


Булардан ташқари Москвада кўпгина сарой боғ-парк ансамбллари яратилган. Масалан, Коломенское, Останкино ва бошқалар. Россиянинг мунтазам режавий стилга эга бўлган боғ-парклари майсазорлар гулли партерлар, фаввора-лар, шалолалар, ҳайкаллар ва бошқа элементлар билан безатилган.



3.7.1 а–расм. Царское Село боғ–парк ансамблининг тарҳи.



3.7.2–расм. Петродворец парки. Санкт Петербург. 1–Петродворец саройи ва катта террасадаги шаршаралар, 2–4–шаршарадаги фавворалар ва олтин ҳайкаллар; 5–Петродворецнинг юқоридан кўриниши.




3.7.3–расм. Архангелское сарой–богининг террасалари, атроф ландшафти ва тархи

Россиянинг пейзаж парклари. XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида Россия боғ-парк санъатида марказий ўринни пейзажли парклар эгаллайди. Бу паркларда барокко ва классицизм регуляр композициялардан бутунликдан ажралмасдан ландшафтли пейзаж композициялар билан мўжизавий боғланиб, гармонияни ташкил этади. Петербургга яқин Пушкин шаҳридаги Царское село боғ-сарой парк ансамбли тамоман ўзгача хусусиятларга эга. Бу ердаги асосий парклар Екатерина ва Александров парклари яхлит умумий композицияга эга. Композициянинг марказини Екатерина саройи ташкил этган.

Ансамблнинг бош ўқи мунтазам режали барокко услубида ишланган Екатерина паркининг сарой маркази орқали ўтиб, Александров паркининг мунтазам қисми ва серҳашам сарой ховлисини кесиб ўтади ва ҳайвонлар жойлашган яшил массив билан тугайди. Бу ердаги Екатерина саройи ва

мунтазам паркнинг муаллифи архитектор Растреллидир, архитектор Камерон эса бу ердаги пейзажли паркни, архитектор Кварэнги Александр саройи ва паркини яратганлар. Шу муносабатда, Царское селодаги сарой ва паркларнинг ечими яхлит бир услубга, ансамблнинг умумий режавий композициясига уйғунлашиб, ягона узвий тизимни ташкил этган (3.7.4- расм).

Россия пейзажли паркларининг яна бир ўзига хос ажойиб асари Павловск саройининг пейзаж паркидир. Павловскни 1780-йилда архитектор Чарлз Камерон лойиҳалаган ва уни 1786-йилгача амалга оширган. Павловск паркининг композицияси кичик Славянка дарёси соҳиллари ва унинг ирмоқлари бўйлаб шакллантирилган. Бу ердаги ўсимликлар гуруҳи, йўлақлар, куриш майдончалари, кичик меъморий иншоотлар ёрдамида усталик билан лирик-романтик характерга эга бўлган пейзажлар занжири шакллантирилган (3.7.4 ва 3.7.5 - расмлар).



3.7.4–расм. Россия пейзаж паркларининг тарҳи: 1–Царское село бог–саройининг Екатерина ва Александр парклари, 2–Павловск паркининг тарҳи: паркнинг ўртасида Славянка водийси, унинг юқорисида кичик Юлдуз ва пастида катта Юлдуз зоналари жойлашган.

Паркнинг режавий ечимида Славянка дарёсининг икки томонидан катта ва кичик Юлдузлар зоналарига бўлинади, лекин паркнинг асосий ландшафти эркин табиат кўринишида лирик-романтик хусусиятдаги пейзаж услубига асосланган. Дарё бўйлаб ястанган асосий сайилгоҳ қисмга Катта Юлдуз ва Янги Севиля, Оқ қайин парк композициялари қўшилиб, сезилмас ҳолда табиий парк ландшафтига айланиб кетади.



3.7.5–расм. Павловск парикнинг пейзажлари: 1–“Храм Друбы” павильони, 2–“Висконт” кўприги, 3–Славянка дарёси, 4–“Белая береза” пейзажи, 5-6 - Славянка дарёсининг пейзажлари.

Петербурдаги Гатчина боғ-парк ансамбли ҳам пейзаж услубида яратилади (3.7.6–расм). Ҳар иккала, Павловск ва Гатчина паркларида ҳам композиция марказини парк саройи ва улар қошидаги соҳиллар ва табиий кўл ташкил қилади.



3.7.6–расм. Петербург атрофидаги Гатчина саройининг пейзаж парки:
 1, 2–«Белое озеро» пейзажлари; 3, 4–«Карповый пруд» пейзажлари;
 5–«Апсида» павилёни; 6–эски сақланган пейзажи; 7,8–Гатчина кўприкчалари.

Бу парклардаги барча элементлар: йўлаклар, мўжаз меъморий шакллар, бино ва парк иншоотлари, яшил гуруҳлар, гулзорлар, партер майсазорлар ва ўт-ўланлар паркда мўъжизакор романтик табиат кўринишлари тизимини вужудга келтирган. Фақат парк саройлари қошидаги майдонларгина қисман мунтазам режавий ечимларга эга.

Айни пайтда, ҳар иккала парк ҳам бир-биридан ўзининг эмоционал эстетик кўлами билан ажралиб туради. Агар Гатчина ўзининг маъёс ва вазмин саройи, текис ва баланд дов-дарахтлари, маҳобатли иморатлари билан қандайдир сирли ва вазмин муҳит ҳосил қилса, Павловск муҳити бунинг аксинча, ёруғ, қувноқ ва очиқ яшил композицияга, дилкаш парк иморатларига эга. Шунинг учун ҳам Павловск боғ-парк ансамбли нафақат Россиянинг, балки Европанинг ҳам энг яхши пейзажли парклари сирасига киради. Павловскда ҳар бир парк элементи ўзининг меъморий ва ландшафт ечими билан тақомилига этказилиб паркнинг умумий романтик ғоясига бўйсундирилган.

Петербург ва унинг атрофидаги қатор боғ-парк ансамблларида амалга оширилган янги ғоялар XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида бутун Россия бўйлаб тарқалди. Бу даврдаги энг етакчи боғлар шаҳар ичи ва шаҳар атрофида усадьба боғлари ҳисобланади. Шаҳар усадьбаларининг уйлари кўчадан серҳашам ва тантанавор ҳовли (курдонер) билан ажратилади. Боғ эса усадьба уйи орқасига жойлаштирилади. У кўпинча дарё соҳили ёки сув ҳавзаси билан тугатилади. Шаҳар атрофи усадьбалари ҳам шундай тузилишда, фақат тантанавор ҳовлига кўчадан эмас, балки йўлдан, кўпинча чўзинчоқ хиёбон орқали кириб келинади.

Москва шаҳри усадьбаларининг энг яхшиларига Пашков уйи (арх.Баженов) ва Голицин касалхонаси усадьбаларини (арх. М.Казаков) киритиш мумкин. Пашков уйи қошидаги усадьба Кремль худудига ва Неглинка дарёсига чиққан. Голицин касалхонаси боғи эса террасалар орқали пастки ҳавзаларга туташган ва сўнгра Москва дарёсига келиб кўшилади. Бироқ, Пашков ва Голицин усадьбаларининг боғлари бошқа усадьбалардан фарқланади—улар жамоа ва касалхона боғларидир.


XVIII аср охирига келиб рус усадьба боғларининг шаклланиши ниҳоясига етказилади. Унинг марказини усадьба уйи, уйнинг атрофини эса хўжалик иморатлари, полизлар ва хўжалик боғлари эгаллайди.

Усадьбада уйи ёнида мунтазам режали «Французча»—партер, атроф чети эса «инглизча» пейзаж паркка айланиб кетади. Усадьбаларнинг ўлчамлари ва режавий тузилиши чексиз тарзда ўзгариб турган.

Соддароқ усадьбаларнинг «Французча» қисми клумба билан чегараланса, «инглизча» қисми уй олдида дарахтларга кўриниш берувчи майсазор билан чегараланади. Шаҳардаги бой зодагонларга қарашли катта усадьбалар ўзларининг кўлами ва серҳашалилиги билан Петербург атрофларидаги сарой боғларига тенглашади.

Улар қаторига Москва атрофида қурилган Кусково (3.7.7–1–расм), Останкино, Царицино, Архангелское ва бошқа элликдан ортиқ усадьба боғлари кирган.

Петербург ва Москва атрофларида шаклланган Россия учун янги бўлган боғ-парк санъатининг ғоялари, XIX асрнинг биринчи яримида нафақат Россияга, балки Украинага ҳам тарқалади. Бунга мисол тарзида Украинанинг Уман шаҳридаги Софиевка, Аленксандрия ва бошқа паркларни келтириш мумкин (3.7.7–2–расм).



3.7.7–расм. Россия ва Украина паркларининг тархлари: 1–Москвадаги Кусково пейзаж парки, 2–Украинадаги Софиевка пейзаж парки.

Сиз ушбу бобда келтирилган маълумотлар орқали боғ-парк санъати ва ландшафт архитектурасининг турли мамлакатлар ва даврларда турлича шаклланиб ва ривожланиб келганлигини, уларнинг турли хил ижодий йўналишлар ва бадиий эстетик туйғулар асосида тараққий этганлигини кўрдингиз ва бу санъатнинг сермазмун ва бой тарихий тажрибалари билан танишишга мушарраф бўлдингиз. Бу олган билимларингиз сизни келажакда Республикамиз туман ва қишлоқларида мўъжизавий боғлар ва ландшафт архитектураси объектларини яратишга даъват этса ажаб эмас.

Назорат саволлари.

1. Россиянинг XIX аср охири – XX аср биринчи ярмида ландшафт санъати ҳақида айтиб беринг?
2. Россиядаги барокко ва классицизм даври боғ-парк санъати қандай ривожланган ва нимага асосланган?
3. Россиянинг пейзаж паркларининг ландшафт ечимини тушунтириб беринг?
4. Рус усадьба боғларининг шаклланиши қайси даврга келиб ниҳоясига етказилган?

